

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЗАҲРИДДИН МУҲАММАД БОБУР НОМИДАГИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими кафедраси

Қўлёзма ҳуқуқида

Тиллаволдиев Алижон Боймухаммад ўғли

“ЮСУФ ХОС ХОЖИБНИНГ ЖАҲОН МАЪНАВИЯТИ ҲАЁТИДА ТУТГАН ЎРНИ”

5111600 -“Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” йўналиши
бўйича бакалавр академик даражасини олиш учун ёзилган

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШ

Иш раҳбари катта ўқитувчи

Ш.Махаммадюнов



Андижон – 2017

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3-10
------------	------

I БОБ. ЮСУФ ХОС ХОЖИБ ИЛК ЎРТА АСР МАДАНИЯТИНИНГ ЎИРИК НАМОЁНДАСИ.....	11-32
---	--------------

1.1 Юсуф Хос Хожибнинг ҳаёти ва ижтимоий фаолияти.....	11-24
--	-------

1.2 Юсуф Хос Хожибнинг “Қутадғи билиг” асари қадимий маданий ёдгорлик сифатида.....	25-32
---	-------

II БОБ. ЮСУФ ХОС ХОЖИБ МЕЪРОСИДА ЖАМИЯТ МАЪНАВИЙ МАДАНИЯТИ МУАММОСИ.....	33-61
---	--------------

2.1 Юсуф Хос Хожиб жамият ва давлатни идора қилишда сиёсий маданиятнинг роли ҳақида.....	33-38
--	-------

2.2 “Қутадғи билиг” асари ва унда етук инсонни камолга етказиш масаласи.....	39-48
--	-------

2.3 Юсуф Хос Хожиб ижодида ахлоқий маданият масалаларининг ёритилиши.....	49-61
---	-------

ХУЛОСА.....	62-65
--------------------	--------------

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	66-69
--	--------------

Кириш

Битирув малакавий ишининг долзарблиги: Юртимизда амалга оширилаётган туб ислохотлар таълим соҳасида ҳам изчил ва ўзлуксиз ўзгаришларни амалга оширишни тақозо этмоқда. Бизнинг ижодкор халқимиз бугинги кунга қадар аждодларни миллий меъроси ва халқимизни азалий қадриятлар, анъаналари, урф-одатларини ўрганиб юртимиз ривожини учун фойдаланиб келмоқдалар.

Мустақил Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маданий ҳаётида амалга оширилаётган туб ислохотлар жамиятимиз олдида давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан ҳисобланган таълим тизимини янгилаш ва ёш авлодни замон талабларига жавоб бера оладиган комил инсонлар қилиб тарбиялаш, улар онгига мустақиллик ғояларини сингдиришдек муҳим вазифаларни қўймоқда.

Мустақиллигимиз пойдеворини мустаҳкамлаш ҳамда Ўзбекистонни буюк давлатга айлантиришда таълим-тарбия ишларини оқилона йўлга қўйиш, ёшларни замонавий илм-фан, маданият, техника ва технология ютуқлари билан мунтазам равишда таништириб бориш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, тараққиёт тақдирини маънавий жиҳатдан етук, иродаси бақувват, иймони бутун, замонавий фикрлайдиган, муайян касб-ҳунарга эга бўлган юксак салоҳиятли кишилар ҳал этади.

Ҳар бир ижтимоий тузумда инсоннинг маънавий юксалишини таъминловчи таълим-тарбия, маънавият ва маърифат каби тушунчалар мавжуд бўлиб, улар ўзбек халқ педагогикаси фанидаги ўзгаришларни жамият тараққиёти билан боғлиқ.

Ўзбек халқи тарихан таълим-тарбия соҳасида ўзига хос дорилфунун яратган. Дарҳақиқат, миллий қадриятларни умуминсоний қадриятлар билан уйғунлаштириш лозим. Чунки бирор миллат ўз қадриятини бошқа миллат қадриятларидан ажратиб олиб ярата олмайди. Ҳар бир миллат маънавиятида ўзига хос томонлар бўлса ҳам, у умуминсоний қадриятларнинг бир қисмидир.

Шу билан бирга унутмаслигимиз керакки, биз кураётган янги жамият «биноси» учун биринчи галда миллий қадриятлар устун бўлмоғи лозим. Биз, энг аввало, миллий ўзлигимизни англамоғимиз, ўз тафаккуримизни кашф этмоғимиз лозим. Ўтмишимизда унутилган шундай улкан сарчашмалар борки, уларни пухта ва аторофлича ўрганмоқ биринчи галдаги вазифадир¹. Ота-боболаримиз азал-азалдан бола тарбиясига алоҳида эътибор қаратганлар. “Бола бошдан....” нақли сўзимизга далил. Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Беруний, Аз-Замахшарий, Навоий, Бобур, Огаҳий, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон сингари улуғ олиму адиблар, фозилу фузалолалар таълим-тарбия борасида кўп асарлар битганлар. Жумладан, Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг», Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибат-ул-ҳақойиқ”, Аҳмад Яссавийнинг “Девони ҳикмат” каби асарларидаги таълим-тарбия, ахлоқ-одоб, инсон камолоти билан боғлиқ фикр-мулоҳозалар таҳлил қилинади ва уларнинг шу кунлардаги аҳамияти баён этилади.

Дарҳақиқат бу навқурон ва куҳна ўз кашфиётларига ҳамда тарихига эга табаррук заминдан буюк мутафаккирлар, алломалар, азиз-авлиёлар яшаб ҳар бирлари ўз даврида қанчадан қанча илмий ва маънавий, ижтимоий-иқтисодий асосга эга бўлган асарлар ва миллий ёдгорликларни бизга дастурил амал қилаб қолдириб кетишган мутафаккирлардан ҳисобланадилар масалан: Алишер Навоий, Муҳаммат Хоразмий, Абу Райхон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Аҳмад Фарғоний, Мирзо Улуғбек, Юсуф Хос Ҳожиб, Абу Наср Фароб, Абдулла Авлоний ва бошқалар етишиб чиқиб дунё фани ҳамда маданияти тараққиётига катта хисса қўшганлар. Шу ўринда айтиш жойизки, бугинги кунга келиб юртимизнинг барча таълим муассасаларида аجدодларимизни бизгача етгазиб келган таълимотларига оид тарбиявий қарашларини ёшларга ўқитиб келмоқдамиз. Бу эса юртимиз ҳукумати томонидан қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва — Таълим тўғрисидаги қонунга муофиқ равишда олиб борилаётган ислоҳатларнинг туб моҳиятини белгилаб,

¹ И.Каримов. Ўзбекистон миллий истиклол,иқтисод, сиёсат, мафкура. “Ўзбекистон”, 1993 йил 78-бет

мамлакатимиздаги олий ва ўрта махсус таълим муассасалари олдида юқори малакали ҳар томонлама юксак даражадаги билимли, замонавий мутахасис кадрларни тайёрлашни устивор вазифа қилиб белгилаб беради.

Битирув малакавий ишнинг ўрганилганлик даражаси. Юсуф Хос Ҳожибнинг бизгача етиб келган ягона адабий мероси “Қутадғу билиг” достонидир. Маскур достон XII аср маданиятининг нодир ёдгорлиги бўлиб, замонасининг ижтимоий-сиёсий, фалсафий ва маданий-маърифий қарашларини бадиий мужассамлаштиради, тарих, этнография, манбашунослик, ахлоқшунослик, фалсафа, ва бошқа соҳаларга оид қимматли маълумотларни беради.

“Қутадғу билиг” ёзма адабиётнинг энг йирик обидаларидан бўлганлиги учун жаҳон илм аҳлини қизиқишига сабаб бўлди. Шунинг учун ҳам унунг маданий қимматини туркий халқлар маданияти доирасида белгилаш бир томонлама зарур эди. Зотан маскур асар жаҳон олимларини, аниқроғи шарқшуносларни диққат марказида турганлигини қайд этиб ўтишимиз мақсадга мувофиқ.

Маълумки, асарнинг уч қўлёзма нусхаси мавжуд бўлиб, уларнинг иккитаси араб, биттаси уйғур ёзуви билан битилган. Ушбу нусхалар Тошкент, Қоҳира ва Вена шаҳарларида сақланмоқда. Фан оламига дастлабки танилган Вена нусхаси ҳисобланади.

Асарнинг дастлабки нусхаси XIX асрнинг бошларида топилган бўлса ҳам уни ўрганиш ва наш этиш анча сустр боради. Француз олими Жанберт Амадее 1823-йилда эса Вебнгер олими “Қутадғу билиг”нинг биринчи қисмини немсча таржимада эълон қилади. Бу билан у Юсуф Хос Ҳожибнинг Европага танилишига сабаб бўлади.

Асар рус тилшуносларининг ҳам эътиборини жалб қилди. 1861–йилдан И.Илминский достон муқаддимасидан парчани ўз таржимасида нашр эттиради. “Қутадғу билиг”нинг “Вена” ва “Қоҳира” нусхаларини ўрганиш, уларни нашр этиш ва таржима қилишда атоқли рус

туркшуноси, академик В.В.Радловнинг хизматлари жуда катта бўлди. У асарни 20 йил ўрганди ва “Вена” нусхасини катта сўзбоши билан тўла босиб чиқарди².

“Қутадғу билиг”ни ўрганиш ва илмий таҳлил қилишда машҳур рус шарқшуносларининг ҳиссаси беқиёсдир. Бу орада В.В.Бартолд, Н.А.Баскаков, Е.З.Бертелс, А.А.Валитова, А.Н.Кононов, А.Самойлович, К.К.Юдахин ва бошқалар катта хизмат қилдилар. Айниқса асарни тарихий ўрганишда А.А.Валитованинг алоҳида хизмати бор. У биринчилардан бўлиб асарни тарихий-адабий манбаа сифатида ўрганиб, унинг маданият тарихидаги аҳамиятини кўрсатиб берди.

Академик В.В.Бартолднинг бу борада қилган ишлари эътиборга сазовор. У Қорахонийлар даври, унинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётини чуқур ўрганиб, Юсуф Хос Ҳожибнинг адабий меросига кенг тўхтаб ўтади. А.Н.Кононовнинг Москвада босилиб чиққан “Юсуфа Баласогуниский Благодатное знание” номли китобга ёзган сўзбошиси ҳам характерлидир. Чунки у асарга юксак баҳо беради, ноёб маданий ёдгорлик эканлигини мамнуният билан таъкидлайди.

Ўзбекистонда Юсуф Хос Ҳожибнинг ижодини ўрганиш унинг учинчи Наманган нусхасини топилиши билан бошланди. Бу ҳақда 1923-йилда “Туркистон” газетаси дастлаб хабар берди. Кейинчалик Фитрат, Абдурахмон Саъдийларнинг мақолалари босилиб чиқади. Асарни ўрганишда ва уни кенг китобхонлар оммасига таништиришда профессор Н.М.Маллаевнинг хизмати жуда каттадир. У биринчи бўлиб, мактаб дарсликларига Юсуф Хос Ҳожиб ҳақидаги материалларни киритди. Унинг олий ўқув юрти талабаларига мўлжалланган “Ўзбек адабиёти тарихи” дарслигида “Қутадғу билиг” достонига кенг ўрин берилган ва ҳар томонлама таҳлил этилган.

² Ильминский. Н.И Вступительное чтения в курс турецко татарского языка казанского университета. Казань 1861 стр 24-61

Адабиётшунос Қ.Каримов Юсуф Хос Ҳожибнинг бу асарини ўрганишда янги йўналишни бошлаб берди. У биринчи мартаба асарнинг транскрипциясини ва ўзбек адабий тилига тавсифини ишлаб чиқиб нашр этди. Бу борада С.Муталлибовнинг хизмати катта бўлди³.

Юсуф Хос Ҳожибнинг ахлоқий қарашлари профессор Й.Жумабоев кенг ва ҳар томонлама таҳлил қилади. Достондаги ахлоқий дидактика шоир яшаган давр ва унинг ижтимоий-сиёсий қарашлари билан боғлиқ равишда очиб берилади. Мазкур китоб бу борада қилинган бирдан-бир фалсафий тадқиқот ҳисобланиб, ўзининг мазмун ва чуқур талқини билан ажралиб туради.

1985-йилда О.Жўраевнинг “Ўзбек классик адабиётида фалсафий-дидактик дostonчилик” номли китобида Юсуф Хос Ҳожиб дostonига кенг ўрин берилиб, халқ оғзаки ижодиёти билан боғлиқ равишда, унинг бадий маҳорати таҳлил этилади⁴.

Юсуф Хос Ҳожиб ҳақидаги энг сўнгги тадқиқот Б.Тўхлиевнинг “Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асари” номли монография бўлиб, ўзининг сермазмунлиги билан олдингилардан ажралиб туради. Унда асарнинг қадимий анъаналарга суянган ҳолда ёзилганлиги, ахлоқий таълим ғояларининг нақадар чуқурлиги ва уларнинг ижтимоий-сиёсий аҳамияти очиб берилади. Шунингдек мутафаккирларнинг юксак бадий маҳорати таҳлил этилади ва бу асар жуда катта ижтимоий ҳодиса бўлиб жаҳон маданий тафаккури тарихида муносиб ўрин эгаллайди деган хулосага келади.

Юқоридагилардан маълум бўладики, Юсуф Хос Ҳожибнинг маданий мероси жаҳон илм аҳли эътиборини жалб қилиб келган. Бу мерос асосан шарқшунос, адабиётшунос, тилшунослар томонидан ўрганилиб келинган ва бу борада маълум ютуқларга эришилган. Аммо Юсуф Хос

³ Муталлибов С. ХI асрнинг буюк филологлари ва уларнинг ноёб асарлари. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. Тошкент. 1971, 7-бет

⁴ Жўраев О. Ўзбек классик адабиётида фалсафий-дидактик дostonчилик. Тошкент. Фан. 1985 йил. 80-бет

Ҳожибнинг ижтимоий-сиёсий, фалсафий, маданий-маърифий қарашлари ўрганилмаган. Айниқса, унинг буюк мутафаккир сифатидаги маданият тарихидаги ўрни “Қутадғу билиг” жаҳон тарихидаги умуминсоний қадрият эканлиги бирорта тадқиқотчининг ўрганиш объекти бўлмаган. Ана шу нарса, бизни мазкур мавзунини танлашга ундади ва махсус илмий тадқиқот яратиш зарурлигини келтириб чиқарди.

Битирув малакавий ишнинг мақсад ва вазифалари. Мазкур ишнинг асосий мақсади Юсуф Хос Ҳожибнинг маданий меросининг ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлари, ғоявий-назарий, маънавий илдизларини аниқлаш асосида унинг ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ғояларини тадқиқ этиш, унинг моҳияти ва гуманистик йўналишларини очиқ беришдан, айтиш вақтда унинг маданият тарихидаги тутган ўрнини маънавий маданиятнинг бундан кейинг ривожланишга таъсири ва аҳамиятини мустақиллик талаблари асосида таҳлил этишдан иборат.

Ана шундан келиб чиққан ҳолда қуйидаги конкрет вазифалар ҳал қилинади:

- Юсуф Хос Ҳожибнинг ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий қарашларининг ижтимоий-иқтисодий, маданий шарт-шароитлари, ғоявий-назарий манбаларини аниқлаш;
- қадимги ёзма туркий ёдгорлик сифатидаги тарихий аҳамиятини кўрсатиш билан халқимизнинг миллий ва тарихий онгини шакллантиришдаги ролини белгилаш;
- унинг ўз даври маданияти ва ахлоқий қадриятини шаклланишидаги, жамият ва оилани бошқариш усул ва йўллари ёритишдаги ўрнини таҳлил этиш;
- мутафаккирнинг маданий-маърифий қарашларининг инсонпарварлик моҳиятини аниқлаш ва уни махсус назарий таҳлил қилиш;
- Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарини илм-фан, маърифат тарқатишдаги аҳамиятини ўрганиш;

- мазкур масалани илмий ўрганишнинг фан ва маданиятнинг бундан кейинг ривожланиши учун аҳамиятини кўрсатиш

Битирув малакавий ишнинг предмети. Юсуф Хос Хожибнинг Ўрта аср маърифий маданияти ривожига қўшган хиссаси ўрганиш ва тарбиявий аҳамиятини ёритишдан иборат.

Битирув малакавий ишнинг объекти. Жаҳон маънавияти ҳаётида Юсуф Хос Хожибнинг қолдирган меъроси тадқиқотнинг объекти хисобланиб, уни жамият маънавий маданияти ривожига қўшган хиссасини таҳлил қилишдан иборат.

Битирув малакавий ишнинг илмий янгилиги.

- Юсуф Хос Хожибнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий-маърифий қарашлари мустақил тадқиқот сифатида биринчи бор махсус ўрганилади; - унинг ижодига оид материаллар назарий таҳлил этилади ва фалсафий ўзлаштирилади; - масаланинг кам ўрганилган томонларини таҳлил қилиш асосида мутафаккирнинг маданият тарихидаги роли ва ўрни кўрсатилади; - Юсуф Хос Хожиб ижодини таҳлил қилиш жараёнида маданий мерос масаласини ҳал этишда синфий ёндашишнинг бир томонламалигини кўрсатиш билан умуминсоний қадриятлар устуворлиги заруриятини таъминлайдиган кенгроқ методологик қоидалар асосланади; - унинг маданий меросининг инсонпарварликка қаратилганлиги белгиланиб, унинг гуманистик моҳияти очиб берилади; - Юсуф Хос Хожиб мероси ижтимоий-сиёсий, фалсафий ва маданий-маърифий тафаккур тараққиёти ривожланиш учун аҳамияти таъкидланади.

Битирув малакавий ишнинг амалий аҳамияти. Юсуф Хос Хожибнинг “Қутадғу билиг” асарини ва унга боғлиқ адабиёт ва ижтимоий фикр тарихига оид материлларни ўрганиш асосида XII асрнинг биринчи ярмидаги тарихой-фалсафий жараёнини ва уни Ўрта Осиё маданияти тарихидаги ўрнини тадқиқ қилишга янгича ёндашишга имкон беради. Мазкур ишнинг қиммати Юсуф Хос Хожибнинг дунёқарашидаги

ислом мафкурасининг роли ҳозирги замон нуқтаи назаридан баҳоланади ва унинг меросини ўзбек китобхонларини ўша даврдаги умуминсоний қадриятлардан баҳраманд бўлишнинг аҳамияти таъкидланади.

Бизнингча, мазкур даврни умумий жараёнлардан ажратиб олмасдан бир бутун яхлит тадқиқ этиш ўзбек халқининг ўтмишига, айниқса унинг кам ўрганилган томонларига бўлган қизиқишини ортиради. Бу нарсa унинг миллий ўз-ўзини англаши ривожланишига ва ватанпарварлик туйғуларини шаклланишига ёрдам беради.

Битирув малакавий ишнинг тузилиши ва ҳажми. Битирув малакавий иши; “Кириш”, 2 боб , бешта параграф, “Хулоса” ва “Фойдаланилган адабиётлар рўйхати”дан иборат. Ишнинг ҳажми 68 саҳифани ташкил этиб, уни ёзишда турли манбалардан фойдаланилди.

I БОБ. ЮСУФ ХОС ХОЖИБ ИЛК ЎРТА АСР МАДАНИЯТИНИНГ ЙИРИК НАМОЁНДАСИ.

1.1 Юсуф Хос Хожибнинг ҳаёти ва ижтимоий фаолияти.

Улуғ мутафаккир Абу Райхон Беруний Ўрта Осиёга бостириб кирган араб қўшинларининг бошлиғи Қутайба хоразм ёзувини билган, халқ афсоналарини ёддан айта олган бахшиларни, қадимий китобларни сақлаган кишиларни турли йўллар билан таъқиб остига олганини ёзган эди⁵. Шунга қарамай халқ орасидан озодлик ҳаракатлари кўтарилиб халқ мустақиллиги учун курашлар олиб борилган. Араблар истеълолари ўзининг аҳамиятини йўқотиб, аста секин халқ орасидан маърифатпарвар ижодкорлар етишиб чиқа бошлади, улардан бири Юсуф Хос Хожибдир. Юсуф Баласоғуний Еттисув ўлкасидаги Кузўрда (Баласоғун) шаҳрида 1016-1018 йиллар орасида дунёга келади. Бу даврда Еттисув ва Шарқий Туркистон ўлкалари туркий қарлуқ қабиласидан чиққан қорахонийлар сулоласи қўл остида эди. Бу сулола VI—IX асрларда ҳукм сурган Буюк Турк хоқонлигининг давомчилари бўлиб, IX аср ўрталаридан давлатни бошқариб келдилар. X аср бошларида Абдулкарим Сотуқ Буғраҳон (924—955) ислом динини қабул қилди ва шу билан туркий элатлар ҳам узил-кесил ислом минтақа маданиятига келиб қўшилдилар. X аср охирига келиб, Сомонийлар таназзулга юз тутгач, қорахонийлар Мовароуннаҳрни тугал эгалладилар. Баласоғун ушбу улкан мамлакатнинг шимолидаги пойтахти эди.

Шоир ҳақида маълумотлар кўп эмас. «Қутадғу билиг» асарини 50 ёшларда, ҳижрий 462 йили (1069/70) ёзиб тугатган Юсуф ўзи ҳақида асар муқаддимасида шундай маълумот беради: «Бу китобни тасниф қилиғли Баласағун мавлудлиғ парқиз идиси эр туруп. Аммо бу китобни Кошғарда тугал қилиб, Машрик малики Тавғачхан ускинга

⁵ Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Ўзбекистон. “Фан” нашрети 1968 йил, 243-бет

кекурмиш, малик ани ағирлаб, улуғлаб ўз Хас Ҳожиблыقى анга бермиш турур, анинг учун Юсуф Улуғ Хас Ҳожиб тэб атқ жавқ йазилмиш турур»⁶ (Бу китобни тартиб берувчи Баласоғунда туғилган, парқиз соҳиби (сабр-қаноатли) кишидир. Аммо бу китобни Кошғарда тугал қилиб, Машрик малики Тавғачхон даргоҳига келтирибдир. Малик уни ёрлақаб, улуғлаб ўз (саройида) Хос Ҳожиблик (лавозимини) берибди. Шунинг учун Юсуф Улуғ Хос Ҳожиб деб машхур номи тарқалибди). Китобда номи тилга олинган ҳокон Насриддин Тавғач улуғ Буғро қорахон Абу Али Ҳасан Хорунхон бинни Арслонхон бўлиб, 1075-1103 йиллар давомида қорахонийлар давлатини бошқарган. «кутадғу билиг» асари унга бағишланган пайтда у Кошғарда Арслонтегин Тўғрул қорахоқон Маҳмудхон (1059-1075)нинг ўртоқ-қоғони сифатида ҳукм суларди (қорахонийлар сулоласида шундай одат бўлиб, Баласоғун асосий ҳокон ҳукмдор бўлганда қошғарда унинг ўртоқ-қоғони иш юритарди).

Асар мазмуни, тили ва услубидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Юсуф Хос Ҳожиб араб ва форс тилларини мукаммал билган, бу тиллардаги диний, илмий, бадий адабиёт билан чуқур таниш бўлган. Бундан ташқари шоир қадим турк ёзма адабиёти, туркий халқлар оғзаки ижодини ҳам яхши билган, улар муҳитида тарбия олган. Шоир туркий элатларнинг қадимий кўшнилари хитой, мўғул, ҳинд, эроний халқлар маданияти, юнон фалсафаси ва бошқа ўша давр маънавий ҳаётининг турли томонлари ҳақида мукаммал маълумот эгаси бўлган. Юсуф катта истеъдод соҳибидир. Ўша давр анъанасига кўра, у араб, форс тилларида ҳам шеър ижод қилган бўлиши керак, туркий адабий тилда, балки девон ҳам тузгандир. Афсуски, бизгача шоирнинг ягона достонидан бошқа асари етиб келмаган. Аммо аниқ

⁶ Адабий дурдоналар. Юсуф Хос Ҳожиб Кутадғу билиг.. –Т: Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2007. 5 б

айтиш мумкинки, ҳеч қайси ижодкор илк ижодини 6,5 минг байтга яқин йирик дoston ёзишдан бошламайди. Масалан, Амир Хисрав Деҳлавий биринчи йирик дostonини бошлаганда икки девон тузган ва улар таркибида бир қатор кичик маснавийлари бор эди. Биз Юсуфнинг ижодий йўли ҳақида баъзи маълумотларни дostonга таяниб олишимиз мумкин. Масалан, шоир кириш қисмида ёзади:

Бу туғмиш элиндин чиқиб борғони,

Китобни қўшубон тугал қилғони⁷.

(Туғилган юртидан чиқиб боргани, китобни жамлаб тугал қилгани).

Иккинчи сатрдаги китобни жамлаб, тугал қилгани ҳақидаги маълумот, унинг баъзи қисмлари олдинроқ алоҳида асар сифатида ёзиб, машқ қилинган бўлиши мумкинлигидан дарак беради. Маснавий жанрида ёзилган асар таркибида вазн ва қофиялаш усулига кўра ундan фарқ қилувчи икки алоҳида қасида ва 200 дан ошиқ тўртлик мавжуд бўлиши ҳам беҳуда эмас. Биз бу асарнинг таркибий қурилишидан келиб чиқиб, уни шоир бир неча марта таҳрирдан ўтказган бўлиши керак деб, ўйлаймиз. Олимлар ҳам бу ҳақда хилма-хил тахминлар қилиб келишади. Ҳозир бизнинг қўлимизга етиб келгани охириги таҳрир ва хоқонга тақдим этилган нусхадир. Бу нусха таркиби қуйидагича:

Уч босқич муқаддима:

1. Насрий муқаддима (38 сатр);
2. Шеърӣ муқаддима (77 байт);
3. Муқаддимавий боблар (II боб, 390 байт).

Иккинчи ва учинчи босқич орасида боб сарлавҳалари рўйхати (фихристи абвоб) берилган.

Асосий қисм — дoston мавзуи 68 бобда ривожланади. Ундаги

⁷ Адабий дурдоналар. Юсуф Хос Хожиб Қутадғу билиг.. –Т: Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2007. 11 б

сарлавҳалар ҳисобига, агар иштирок этувчиларнинг савол-жавобларини ҳам киритсак — 174 сарлавҳа остида берилган. Умумий ҳажми — 5896 байт. Хотима қисми — 2 қасида ва маснавий бобдан иборат бўлиб, охирги маснавий боб мазмунигина маълум даражада дostonга алоқадордир. Муқаддиманинг фақат учинчи босқичи (II бобдан иборат) бевосита дoston таркибига уйғунлашган. Олдинги икки босқич эса қайта таҳрирда китоб ҳақида умумий тасаввур ҳосил қилиш учун атайин наср ва назмда илова қилингандир. Шу сабабли улар боблар номланиши рўйхатидан ҳам илгари берилган.

Асосий қисм охирида (6261—6286-байтлар) шоир китобнинг ёзилиш йили, нима мақсадда ёзилгани, ўқувчига мурожаат, Аллоҳга муножот, Пайғамбар ва чоҳорёрларга саломлар билан асарни хотималайди ва алоҳида хотима қисмга ҳожат қолдирмайди. Аммо бундан сўнг яна 2 қасида (Йигитликка ачиниб, қариликдан шикоят қилиш — 44 байт ва замон бузуклиги, дўстлар жафосидан ёзғириш — 40 байт) қўшилиб, яна 1 маснавий бобда муаллиф ўзига ўзи насихат қилади (37 байт), асарнинг туркча ёзилганлиги, тугалланиш санаси, яна муножот ва саломлар қайтарилади. Шулардан билинадики, хотима қисмига ҳам 2 қасида қўшилиб, қайта таҳрир қилинган пайтда ёзилган. Асосий қисм мазмуни ва мундарижасига кўра «қутадғу билиг» дostonи минтақа адабиётининг биринчи босқичида яратилган туркий тилдаги ислом маънавиятининг бадий-фалсафий, ижтимоий-ахлоқий қомуси деб баралла таърифласак арзийди. Унингдек улуғ яхлит китоб ал-Бухорийнинг «Жомеъ ас-саҳиҳ» идан кейин араб ва форс тилларида ҳам яратилмаган эди. VIII—IX асрларда Абдулҳамид ал-Котиб, Ибн ал-Муқаффа (720-756), Адиб Аҳмад Югнакий, ал-Жоҳиз (775—868) каби йирик адиблар томонидан асос солинган адаб илми, Абу Наср ал-Фаробийнинг ижтимоий-ахлоқий фалсафаси, «Шоҳнома» ва турк хоқонларининг ёдномалари, минтақа

халқларининг бой маънавий мероси бу асар мағзига сингдирилган. Энг асосийси, бу китоб ислом минтақа маънавиятининг қомуси бўлди. Фирдавсий «Шоҳнома»си минтақа халқларининг ўтмиш тарихини бадиий акс эттирса, Юсуф Хос Ҳожиб асари унинг янги даврдаги ҳолатини бадиий тафаккур қонуниятлари асосида мужассам этди. Муаллиф ўз асарини «Шоҳномаи туркий» деб шуҳрат топганини айтади, бу қиёс шу маънода тўғрики, ўтмишда минтақа эроний ҳукмдорлар — Каёний ва Сосонийлар ҳукмида бўлган бўлса, Юсуф даврида Сосонийлар мулки туркий ҳукмдорлар қўлига ўтган эди. Баласоғундан Бағдодгача туркий сулолалар ҳукм сураар эдилар. Шу сабабли энди сулолалар тарихи эмас, давлат бошқариш одоби муҳим эди. Асарнинг яна бошқа шуҳрат топган номлари «Адаб ул-Мулук» («Ҳукмдорлар одоби») ва «Ойин ул-мамлакат» («Мамлакатни идора этиш қоидалари») худди шу жиҳатни акс эттирар эди.

“Қутадғу билиг” бахт-саодатга элтувчи билим, таълим деган маънони билдиради. Демак асар номидан ҳам унинг панд-насихат, таълим-тарбияга оид етук дидактик асар, ҳар томонлама етук инсонни тарбиялайдиган дарслик эканлиги яққол кўриниб турибди. «Қутадғу билиг» асари Шарқда панднома туркумидаги анъанавий китоб тузиш тартибига риоя килинган ҳолда тузилган.

Аввал насрий мукддима, сўнг 73 бобдан иборат китобнинг мундарижаси берилади. Дастлабки ўн бир фасли дебоча бўлиб, ҳамда, наът ва Қорахонни мадх этиш, таълим мақсади, етти кавокиб ва ўн икки бурж, тилнинг аҳамияти, муаллифнинг узри, эзгулик ҳақида, билим олишнинг аҳамияти, китобга ном берилиши, кексаликдан афсусланиш каби фасллардан иборатдир. ўн иккинчи фаслдан бошлаб асосий воқеа баёни эътироф этилади. Лекин асарда тўрт қаҳрамон — Кунтуғди - адолат рамзи, вазир — Ойтўлди — давлат ва бахт рамзи, вазирнинг ўғли ўғдулмиш — ақл рамзи, сифатида, ўзгурмиш - вазирнинг қариндоши - қаноат тимсоли ўртасидаги мунозара

асосида ҳаётий масалалар бир-бирига боғланган ҳолда баён этилиб, китобни ёзишдан ўз олдига қўйган мақсадга бўйсу ндирилади.

Юқорида таъкидланган тўрт қаҳрамоннинг суҳбатлари, Мунозаралари асосида Юсуф Хос Хожиб ўз мақсад ва ғояларини баён этади.

Масалан, Ойтўлдиннинг Элиг билан учрашувида унинг Элиг синовидан ўтиши жараёнидаги савол-жавоблар натижасида давлатнинг сифати ва фазилатлари, унинг бевафолиги ва бебақолиги, адолатнинг хислатлари, шунингдек эл-юрт бошқарувчиларининг хислатлари баён этилади.

Ойтўлдиннинг ўғли ўғдулмиш билан Элигнинг суҳбатида эса сарой амалдорлари: беклар, вазирлар, лашкарбошилар, хожиблар, элчилар, саркотиб, хазинадор, дастурхончилар, шаробдорлар, бегларнинг ўз хизматкорларига муносабати қандай бўлиши кераклиги баён этилади.

Ўғдирмиш билан Ўзгурмиш мунозаралари, Элиг билан ўзгурмиш мунозарасида эса инсоний хислатлар, хизмат ва турмуш одоблари борасида фикрлар баён этилади, турли касб эгалари васфи берилади.

«Қутадғу билиг» даги бош ғоя - инсонни ҳаётда бахт-саодатга элтувчи асосий қарашлари тўрт рамзий қаҳрамон: Кунтуғди - Элиг подшо - адолат тимсоли, Ойтўлди - вазир давлат тимсоли, ўғдулмиш - вазир-ақл тимсоли, ўзгурмиш - вазирнинг қариндоши-қаноат тимсолининг ҳаёти ва давлатни бошқариш жараёнидаги ҳатти-ҳаракатлари ва фикрлари орқали берилганки, булар инсон камолотининг муҳим мезони саналади. Юсуф Хос Хожибнинг “Қутадғу билиг” асарида инсон камолоти масаласи марказий масала бўлиб ҳисобланади. Мазкур асарда инсоннинг жамият ва ҳаётда тутган ўрни, бурчи ва вазифалари ҳақидаги муаммолар ўзига хос тарзда баён этилади.

Мутафаккир ўзининг ахлоқий қарашларини, яъни ижтимоий муносабатлар, жамият аъзолари барча типлари ўртасидаги ахлоқий муносабатларни амалиётга таянган ҳолда ёритади. Бу ахлоқий хулқ-одоб тамойиллари, талаб ва вазифалари бутун асар давомида қаҳрамонларнинг ўзаро мунозаралари асосида ифодаланган. ўнда Элиг (хон), унинг вакиллари,

ижтимоий гуруҳларнинг ўзаро муносабати, ахлоқи, муомаласи талаблари баён этилади. Турли касб эгаларига хос хислатлар, одатлар ёритилади.

Асарда илгари сурилган ахлоққий хислатларни санаб ўтиш олимнинг кай даражада таълим-тарбия, ахлоқ масалаларини чуқур билганлигидан далолат беради: инсонийлик, ростгўйлик, тўғрилик, софлик, меҳр-мухаббат, вафо, шафқат, мурувват, инсоф, адолат, ишонч, садоқат, хушмуомалалик, ширинсўзлик, саховат, мардлик, химматлилик, хурмат ва эҳтиром, тadbиркорлик, ақл, заковат, халоллик, эзгулик каби хислатлар улуғланади, уларда ёлғончилик, ноинсофлик, фисқу фасод, бевафолик, меҳрсизлик, дағаллик, кўполлик, бахиллик, номардлик, қувлик, хурматсизлик, нодонлик, жохиллик, харомхўрлик, очкўзлик каби хислатларни қиёслаб, эзгу хислатларнинг яхши оқибатлари ва салбий хусусиятларнинг ёмон оқибатларини мисоллар воситасида ишонарли қилиб баён этади. Бунда дастлаб, барча яхши ишларнинг манбаини эзгулик, ёмон ишларнинг асосини эссизлик номлари билан талъин этади. У инсон ҳаётда қилган иши билан ё яхши ном қолдиради, ёки ёмон ном олади, дейди. Асарда олим барча эзгуликнинг боши тил одоби, унинг фойда ва зарарларига бағишланади.

Тил инсоннинг кадр-қимматини оширади, ёки шу тил орқали инсон юз тубан ҳам кетиши мумкин, дейди. Киши икки нарса билан ҳаётда мангу қолади: бири хушхулқлик бўлса, иккинчиси яхши сўз, дейди олим.

Инсоний муносабатларнинг энг олий мезони саналган хурмат ва эҳтиромини таркиб топтиришнинг барча кўринишлари асарда ўз ифодасини топган. Юсуф Хос Хожиб жамият тақдирини хал этувчи энг улуғ мансабдорлардан тортиб, оила аъзоларигача бир-бирига бўлган муомала-муносабат масалаларини ҳам ҳаётий мисоллар воситасида ёритади. Катта ёшлиларнинг кичикларга, кичикларнинг улуғларга, амаддор ва мансабдорларнинг ўз хизматчиларига, хизматчиларнинг ўз хўжаларига, турли ижтимоий гуруҳ аъзоларининг бир-бирларига, оилада оила аъзоларининг бир-бирларига муомала маданиятининг энг оддий

кўринишларигача тасвирлаб, кишининг кўз олдида яққол намоён этади. Бунинг фарзанд тарбиясида унинг туғилганидан бошлаб хулқ - одоб қоидаларини, билим ва ҳунарни ўргатиш, бунинг учун пок ва билимли муаллим-мураббий танлаш, фарзанднинг ҳатти-ҳаракатин доимо назоратда сақлаш каби масалаларнинг баён этилишидан ҳам билсак бўлади.

Олим улуғлар ва кичиклар ўртасидаги хулқ-одоб қоидалари ҳақида гапирар экан, шу аснода камтарлик, саломлашиш одоби, талаблари, қоидаларини ҳам тавсия этади.

Айниқса, Юсуф Хос Хожибнинг амалдорлар ахлоқи ҳақидаги ўғитлари диққатга сазовор ва бу фикрлар ҳозирги даврда ҳам қимматли саналади. Олимнинг беклар, хожиблар, вазирлар, саройбошилар, элчилар, лашкарбошилар, девонбошилар, хазинадорлар, саркотиблар каби кўплаб амалдорларнинг ҳатти-ҳаракатлари, иш юритишлари, хулқ-одоби ҳақидаги амалий ўғитлари ва йўл-йўриқлари ҳар бир амалдор учун дастур саналади. Масалан, ҳар бир амалдорнинг ўз ишининг устаси, илм-фанни эгаллаган, унинг турли соҳалари борасида фикр юрита оладиган, сўзга чечан, зеҳнли, фаҳм-фаросатли, ҳимматли, кўзи тўқ, очиқ қўл, саҳий, тадбирли, зукко, ҳушёр, жиддий, қаноатли, жасур, соғлом, самимий, садоқатли, ўз сўзи устидан чиқадиган, андишали, шеър баҳсида иштирок этиб, ўзи ҳам шеърлар тўқий оладиган, турли тилларни биладиган ва ёза оладиган, нард, шатранж, чавгон ўйинларида ўйнай оладиган, мерганлик каби ҳислатларга эга бўлиши кераклигини таъкидлайди. Шунингдек, ҳар бир инсоннинг камолга етишида тўсқинлик қиладиган ёмон иллатлар, нуқсон ва камчиликлардан биринчи навбатда эл-юрт хизматида бўлган амалдорлар ҳам ҳоли бўлиши лозимлиги: маишат, ишратпарастликка берилиш, кек, гина, адоват, низо, хусумат, фисқу фасод, маиший бўзоқлик, майпарастилик, кайфу сафога берилиш, мутакаббирлик, хиёнат, давлат кетидан қувиш, манфаатпарастлик, худбинлик, бошқаларнинг ҳақ-ҳуқуқларини топташ, таъмагирлик, ҳақорат кабилар шундай иллатлардирки, бунинг натижаси

давлатнинг ривожига путур етказиб, жамиятни маънавий қашшоқликка олиб боради, деб бундай ёмон иллатлардан тийилишни маслаҳат беради.

Масалан:

(Агар) дунё беглари ичимликка (маишатга) берилса.

Эл ва халкнинг дардлари (қисмати) аччиқ бўлади.

Жаҳонгир киши айш-ишратга маҳлиё бўлса,

Элини бузади (ҳароб қилади, ўзи (эса) тиламчи бўлиб қолади)⁸.

Юсуф Хос Ҳожиб такаббурлик, мағрурланиш, кеккайишга камтарлик, хушсуханлик, хушфеълликни қарши қўяди. Шунингдек, амалдорларга баланд ҳимматлилик, мурувватли бўлиш, самимийлик хоҳ катта, хоҳ кичик бўлсин, хос фазилат эканлигини алоҳида таъкидлайди. Инсоннинг ҳақиқий бойлиги унинг кўз ва кўнгил тўқлиги деб беради. Зеро, очкўзлик, таъмагирлик инсонда порахўрлик каби ёмон иллатнинг томир отишига олиб келади, дейди. Юсуф Хос Ҳожиб оилавий-маиший турмуш икир-чикирларига ҳам катта эътибор беради. У кишиларни уйланиб, оила қуришидан бошлаб, фарзанд тарбия этиш, оиланинг моддий таъминотини юритишгача бўлган энг зарурий вазифаларни бирма-бир баён этади.

Достон мазмуни шоир тасаввуридаги шундай бир бадиий оламни акс эттирадики, унинг асосий қаҳрамонлари 4 тимсолдан ташкил топган. Биринчиси, Адолат — у бош ҳукмдор, унинг номи Кунтуғди, у куёшдек барчага баробар нур таратади.

Иккинчиси, Давлат — туркийда қут, у бош вазир, унинг исми Ойтўлди. Қут ёки Давлат ички мазмуний тушунча бўлиб, Бойлик, Барака, Омад, Бахт, қудрат маъноларини ўзида жамлаган, ҳукмдорнинг таянчи, унинг белига қувват, кўзига нур, мулкига фаровонлик бахш этувчи бош маслаҳатчи ва нозир. Аммо Ойтўлдининг умри фоний, Давлат, Бахт, Омад деган нарсалар

⁸ Адабий дурдоналар. Юсуф Хос Ҳожиб Қутадғу билиг.. –Т: Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2007. 19 б

пойдор эмас, осмондаги Ой сингари гоҳ тўлиб балқийди, гоҳ Ҳилол сингари нозиклашиб, қувватдан кетади, орада кўринмай қолиши ҳам мумкин. Ойтўлди асар давомида хасталаниб вафот этади. Аммо унинг вориси, ўғли Ўғдулмиш унинг ўринбосари, ҳукмдорнинг яқин маслаҳатчиси бўлиб қолади. Ўғдулмиш Ақл ва Билим рамзи. Агар Бойлик, Омад, Бахт ўткинчи бўлса, киши кўлида доимий турмаса, Ақл ва Билим уларнинг ўрнини боса олади. Асли асарнинг бош қаҳрамони Ўғдулмиш, яъни Ақл ва Билимдир. Шу сабабли китобнинг асл номи ҳам “Қутадғу билиг” («Бахтга элтувчи билим»). Бахт, қутбарақа, омад, қудрат манбаи бўлмиш билим билан боғлиқдир. Асардаги тўртинчи тимсол — қаноат. Агар инсонда, жамиятда қаноат бўлмаса, унинг барча хосияти бир пул, оқибати аянчлидир. Қаноатнинг исми Ўзғурмиш бўлиб, у Ойтўлдиннинг, яъни Бахт ва Давлатнинг, Ўғдулмишнинг, яъни Ақл ва Билимнинг қариндошидир. Аммо Ойтўлди қариндошини эсламайди. Бахт ва Омад қаноатни хотирга келтирмайди. Ҳукмдорга (Элиг деб атайди Юсуф ҳукмдорни) Ўзғурмиш қариндоши ҳақида Ўғдулмиш эслатади, яъни Адолат Ақл ёрдамида қаноатдан хабар топади ва унинг суҳбатини истайди. Асар охирида Ўзғурмиш ҳам хасталаниб вафот этади, кунтуғди ва Ўғдулмиш, яъни Адолат ва унинг бош маслаҳатчиси Ақл қоладилар.

Булар ислом маънавиятининг бош тимсоллари эди. «Қутадғу билиг»нинг айрича аҳамияти ана шунда. Аммо асар мавҳум тимсоллар ва рамзлардан иборат эмас. Асар қаҳрамонлари жонли шахслар — Элиг — Кунтуғди — адолатли, инсофли ҳукмдор, Ойтўлди — донишманд, тадбирли, таржибали аллома, мураккаб характерли шахс, юрт, жамиятга фойдаси тегишини ўйлаб пойтахтга келади ва мусофирпарвар Кўсалиш ёрдамида Элигнинг Хос Ҳожиби Эрсиг билан танишиб, у туфайли Кунтуғди саройига кириб боради. Элиг

билан танишади. Элиг ва Ойтўлди орасида кўп суҳбатлар бўлиб ўтади. Улар бир-бирининг ботиний қиёфаси, феъл-атворларини яхши ўрганиб, аста-секин умумий тил топишади, орада баъзи гинахонликлар ҳам бўлиб ўтади. Ойтўлдининг хасталиги ва ўлими, унга Элиг ва Ўғдулмишнинг қайғуриши, ҳамдардлиги жуда табиий, ҳаётий кечинмаларда тасвирланади. Ўғдулмиш Ақл тимсоли бўлгани билан, у аввал ўзини ёш йигитларга хос тутди. Элиг унга қанча панд-насихатлар беради, тарбиялайди. Кейинги Ўзғурмиш билан бўлган суҳбатлар таъсирида ҳам Ўғдулмишнинг онги ўзгариб, ривожланиб боради. У маълум вақт Ўзғурмиш таъсирида тавба-тазарруга берилиб, моддий дунё ташвишларидан ўзини олиб қочмоқчи бўлади, аммо Ўзғурмиш ва Кунтўлдилар яна уни бу ниятдан қайтарадилар, эл-юрт ташвиши билан яшашга ундайдилар. Шоир Ақл ва Билимни эл-юрт, халқ фаровонлиги йўлида хизмат эттириш энг асосий бурч деб ҳисоблайди. Ақл аввало Адолатга ҳимоячи ва маслаҳатгўй бўлмоғи талаб этилади. Ўзғурмиш шахси таркидунё этган, зоҳидлик ва тақвони яшаш тарзига айлантирган сўфийларни эслатади. Юсуф Хос Ҳожиб тасаввуф ғоялари, амалиётидан чуқур хабардор эканлигини ушбу қаҳрамони тавсифида аён этган. Тасаввуф, тақво, зоҳидлик ва фақир шоир наздида аввало қаноатнинг тимсоли, ёрқин намоёндасидир.

Қаноат Оқибатни ўйлаш билан бўлади, у инсонга Офият (руҳий осойишталик, қониқиш) келтиради. Адолат қаноатсиз бўлмайди. Ҳукмдор сўфийнинг, зоҳиднинг суҳбатидан баҳраманд бўлиб туриши керак. Сўфий ҳукмдорни қидириб келмайди, ҳукмдор уни ўзи қидириши, суҳбатига интиқ бўлиши керак. Кунтуғди, Уғдулмишни Ўзғурмишга мактуб билан уч марта жўнатади. Шоир фикрича, агар ҳукмдор эътибор кўрсатса ва майл билдирса, сўфий ҳам суҳбатдан бош тортмаслиги керак. Албатта, зоҳид Ўзғурмиш сарой аёнига

айланмайди, у маълум вақт Элиг билан фикр алмашиб, яна ўз кулбасига қайтиб кетади, ҳаёт тарзини ўзгартирмайди.

Юсуф Хос Ҳожиб тасаввуф ғояларига, ҳақиқий тақво эгаларига юксак эҳтиром билан қарайди, аммо жамият, халқ бахти учун, Адолат тантанаси учун ўз умрини бағишлаш унинг бош йўналиши бўлиб қолади. Унинг суюкли қаҳрамони Ўғдулмиш — Ақл ва Билим эгаси, умрини Адолат хизматига бағишлаган шахсдир.

“Қутадғу билиг” қаҳрамонлари фақат тўрт киши эмас, унинг асари бадийий умумлашмаларни ҳаётдан узиб акс эттирган деб бўлмайди. Достон ҳаёт ҳақиқатлари билан тўлуғдир. Унда ўша давр турмушининг барча қирралари, икир-чикири, зиддиятлари ўз ифодасини топган. Юсуф Хос Ҳожиб ўзининг юксак ўй-хаёлларини ажойиб тимсолларда ифодалар экан, ҳаётдан бир зум узилмайди, давр зиддиятларидан кўз юммайди, жамиятдаги барча табақа, тоифаларга хос фазилат, қусурлар, ижтимоий аҳволни аняк идрок қилади. Уни баъзан феодал-сарой қарашларига тобе қилиб кўрсатишади. Аслида бундай янглиш тасаввур Юсуф Хос Ҳожибнинг ҳаётий зукколиги, ижтимоий ақли, тадбиркорлигини нотўғри талқин қилиш оқибатидир. “Қутадғу билиг” китоби авом халқ учун эмас, биринчи навбатда, хоқон ва беклар, яъни юртнинг ҳукмдорлари учун атаб ёзилгандир. Туркий сулолалар бугун ислом минтақасида ҳукмфармо бўлиб келаётган бир пайтда, ижтимоий жиҳатдан “Шоҳнома”дан кўра “Қутадғу билиг”, яъни “Ҳукмдорлар адабномаси” кўпроқ зарур ва бу китоб айнан туркий тилда ёзилмоғи керак эди. Юсуф Хос Ҳожиб ушбу ижтимоий заруратни вақтида англаб етди; унга юксак савияда жавоб бера олди. Унинг асарини туркий ҳукмдорлар қай даражада ўқиди ва ўзлаштирди, бу бошқа масала. Абу Али Ҳасан Хорунхон уни яхши қабул қилгани, шоирни муносиб тақдирлагани Кунтуғди ва Ойтўлди тимсоллари ҳаётий

ҳақиқатга анча мувофиқ келганини кўрсатади.

Ўша давр ижтимоий, ахлоқий воқелигининг жуда кўп, хилма-хил жиҳатлари асар мазмунига сингдирилган. Айниқса, кунтуғди ва Ўгдулмиш суҳбатларига бағишланган 15—25-боблар, Ўгдулмиш ва Ўзғурмиш суҳбатига оид 31-53-боблар даврнинг барча ижтимоий тоифалари (беклар, сипоҳийлар, сарой аёнлари — вазир, ҳожиб, хазиначи, лашкарбошилар, элчилар, котиблар, саййидлар, шоирлар, мунажжимлар, олимлар, табиблар, деҳқонлар, савдогарлар, чорвадорлар, хунармандлар, камбағаллар — барча-барчасининг) аҳвол-руҳияти, жамиятдаги ўрни, феъл-атвори ҳақида муфассал тасаввур беради, уларга ҳукмдор ва давлат аёнларининг адолатли муносабати қандай бўлиши кераклигини тушунтиради. Юсуф Хос Ҳожиб жамиятни тубдан ўзгартиришни эмас, мувофиқлаштириш, уйғунлаштириш, такомил бахш этишни мақсад қилиб қўяди. Чунки XI аср ислом жамиятининг шаклланиб, юксалиб келаётган даври бўлиб, унда такомиллаштириш таклифлари ўринли эди.

«Қутадғу билиг»нинг бадиийлиги жуда юқори. Ундаги ҳар бир кирра, воқеалардаги ҳаётийлик ва шоир хаёли ўзаро ниҳоятда уйғун. Шоирнинг тасвирлари ёрқин, тили ниҳоятда ширали, мазмунга бой. Ислом минтақа шеърятининг энг асосий услуби хусусияти — ҳар бир байтнинг мустақил тасвирий, тимсолий бирлик даражасига кўтарилиш талаби Юсуф томонидан тўла ҳис қилинган ва амалга тадбиқ этилган. Унинг жуда кўп байтлари ҳикматли сўз (афоризм) даражасига кўтарилган. Ҳар бир байт тугал тасвир (яхлит образ) беради. Асар тавҳид ёки ягона Аллоҳ ҳамди билан бошланади. 32 байтли бу бобда исломнинг бош тушунчаси ҳар тарафлама тавсифлаб берилган.

Хуллас, туркий тилда яратилган бу буюк асар минтақа адабиёти ривожининг биринчи босқичи учун маълум маънода яқунловчи асар бўлди. Бу босқичнинг ўзига хос икки жиҳатини қайд этиб ўтмоқ керак.

Биринчидан, бу даврда илм-фан ва ёзма бадиий адабиёт асосан турли ҳукмдорлар саройи қошида, улар ҳомийлигида ривож олиб, гуллаб-яшнади. Агар Аббосий халифалар саройида араб тилидаги шеърят, Сомоний ва ғазнавийлар ҳузурида форс тилидаги адабиёт паноҳ топган бўлса, қорахонийлар даргоҳида туркий шеърятнинг буюк намунаси дунёга кедди.

Иккинчидан, бу адабиётнинг ўзига хос томони маърифатчилик эди. Нафақат адабиёт, балки бу даврнинг бутун маънавиятида етакчи руҳни ақлга таяниш, билимга чорлаш, ижтимоий адолат, марғуб ахлоқни ақл, заковат кучи билан ўрнатишга ишонч ташкил қилар эди. Бу адабиёт биринчи навбатда ҳукмдор табақага, беклар, зодагонларга мўлжалланган ва ўшаларга тўғри йўлни кўрсатишни мақсад қилган эди.

1.2 Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғи билиг” асари қадимий маданий ёдгорлик сифатида.

Юсуф Хос Ҳожиб XI асрда яшаб ижод этган буюк олим, забардаст достоннавис, тадбиркор давлат арбобидир. Унинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақидаги маълумотлар бизгача етиб келмаган. 1069-1070 йилларда ёзилган ва бизга қадар сақланиб келган “Қутадғу билиг” достонидаги маълумотларга қараганда Юсуф Хос Ҳожиб 1020 йилларда Боласоғунда туғилган.

Тадқиқотчиларнинг фикрларига кўра Юсуф Хос Ҳожибнинг таржимаи холини унинг ўз асарида ёзиб қолдирган маълумотлардан биламиз холос:

Мўниқи таруғлақ Қўз ўрду эли,
Туб-асли насабдан юришиш тили,
Бу туғмиш элиндин чиқиб боргони,
Китобни қўшибон тугал қилғони.
Борусин битмиш етурмиш низом,
Бу Қошғар элинда қўшилмиш тамом.
Қўз ўрду ўлкаси аслида эли,
Туб асли насабдан сўз очди тили.
Туғилган элидан чиқиб боргани,
Китобни жам этиб тугал қилғони.
Борини битибдир не эса калом,
Бу Қашқар элида тугади тамом⁹.

Юқоридаги мисралардан Юсуф Хос Ҳожибнинг туғилган жойи Қўз ўрду (яъни Боласоғун) экани, аммо асарни ёзишда турли ўлкаларга сафар қилгани ва ниҳоят уни ватани Қашқарда тугатгани тахмин қилинади.

Демак, Юсуф Хос Ҳожиб Боласоғунда туғилган, ўз асарини ёши элликдан ўтганда ёзган.

⁹ Адабий дурдоналар. Юсуф Хос Ҳожиб Қутадғу билиг.. –Т: Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2007. 13 б

Тегурди менга элчи эллик йашим,
Қуғу қилди қўзғун туси-таг башим.
(Эллик ёшим менга қўл тегизди,
Қора (қузғун)тусидек бошимни оқ (қуш) Қилди (яъни сочим оқарди).
Йил алтмиш эки эрду тўрт юз била,
Бу сўз сўзладим мен тутиб жан сура,
Тугал ўн саккиз айда айдим бу сўз,
Ўқурдум, адирдим сўз эвдиб тера¹⁰.

Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асари 6500 байтдан ёки 13000 мисрадан иборат. Буюк мутафаккир асарни ёзиб тугатгач, Қорахонийлар хукмдори Тавғачхон (китобда Тавшач Улуғ Буғра Қорахон (хоқон) Або Али Ҳасан бинни Сулаймон Арслон Қорахон (хоқон) номлари билан зикр этилган) ҳузурига келиб, унга тақдим этади. Китоб хонга манзур бўлиб, унинг муаллифига хос Ҳожиблик лавозмини беради. “Қутадғу билиг” асари катта шуҳрат қозонади.

Юсуф Хос Ҳожиб “Қутадғу билиг” асарида тиббиёт, фалакиёт, тарих, тиббиёт, география, риёзиёт, ҳандаса, фалсафа, адабиёт, таълим-тарбия, фикҳ соҳасига оид фикрларни баён этиб, файласуф ва қомусий олим сифатида ўзини намоён этди. Чунончи у барча ижтимоий табақалар ўртасидаги муомала муносабатларни ёритиш билан дипломатияга оид қоидалар тизимини яратди, турли касб эгаларининг касбу корига оид талаблар ва жамиятнинг ахлоқий тамойилларини тараннум этиш билан таълим-тарбия соҳасида ўзига хос услубни яратди. “Қутадғу билиг” -бахт ва саодатга элтувчи билим, таълим деган маънони билдиради. Демак, асар номидан ҳам унинг панд-насихат таълим-тарбияга оид, етук дидактик асар, ҳар томонлама етук инсонни тарбиялайдиган дарслик эканлиги яққол кўриниб турибди.

¹⁰ Адабий дурдоналар. Юсуф Хос Ҳожиб Қутадғу билиг.. –Т: Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2007. 13 б

Асарнинг мукаммал нашрини тайёрлашда ҳамда уни тадқиқ этишда ўзбек олимларининг ҳиссаси айниқса диққатга сазовор. Биринчи бўлиб профессор Фитрат 1924 йилда Наманган нусхасини олиб кутубхонага келтиради ва у ҳақида мақола эълон қилади. “Қутадғу билиг”нинг мукаммал нашри ўзбек олими Қ.Каримов томонидан амалга оширилади ва тадқиқ этилади. Уни таҳлил этишда С.М. Муталбоев, Н.М.Маллаевларнинг ҳам хизматлари катта. “Қутадғу билиг”нинг ҳозирги ўзбек тилидаги болаларбоп баёни эса Б.Тўхлиев томонидан нашр этилди. Юсуф Хос Ҳожибнинг ахлоқий дидактикаси Қ.Каримов, Й. Жумабоев томонидан ҳар томонлама тадқиқ этилди.

Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асари педагогика тарихида таълимий-ахлоқий усулда ёзилган барча асарларнинг тамал тоши десак бўлади. Юсуф Хос Ҳожиб X аср ўрталарида ташкил топган Қорахонийлар хукмронлиги даврида яшаб ижод этади. Қорахонийлар Сирдарёдан Еттисувгача, Шимолий Фарғона ва бутун Шарқий Туркистонда хукмронлигини ўрнатгандан сўнг Моварауннахрнинг ички ҳудудларига ҳам кириб бориб, Қошғардан тортиб Каспийгача бўлган кенг майдонда ўз давлатини таркиб топтирган эди. Унинг маркази Қошғар (Ўрдикент) бўлиб, Шимолда Боласоғун (Қўзурду), Ғарбда Самарқанд, Марказдаги Ўзганд йирик шаҳарларидан ҳисобланарди. Ҳар бир давлатда бўлганидек, Қорахонийлар давлатининг ҳам идора қилиш усули, юргизадиган сиёсати, қонунлари, тарбия тамойиллари ифодаланган қомус-низоми зарур эди.

Худди ана шундай зарурият туфайли “Қутадғу билиг” асари ҳам яратилди. Бу асарда Қорахонийлар давлатини мустаҳкамлаш, унинг идора усулларини яратиш, барча табақа, тоифадаги кишиларнинг хулқ-атвори, жамиятда тутган ўрни, давлатни иқтисодий, ижтимоий, маданий жиҳатдан мустаҳкамлаш, давлат мустаҳкамлигининг бош таянчи - инсонни маънавий камолга етказиш масалалари қамраб олинади.

Юсуф Хос Ҳожибнинг бу мураккаб вазифани ҳал этиши фақат донишманд, қомусий мутафаккир сифатидагина эмас, балки тарбияшунос олим сифатида ҳам ўзини намоён этди. Шунга кўра у яратган “Қутадғу билиг” асари таълим-тарбия тарихи, унинг назарий масалалари, комил инсонни шакллантиришда айниқса муҳим аҳамият касб этади.

“Қутадғу билиг” асарида ҳокимият Қорахонийлар қўлига ўтиши муносабати билан таълим ва тарбиянинг ҳам ҳокимиятни мустаҳкамлаш ва тараққий эттириш учун хизмат этадиган ўзига хос талаб ва тамойилларни белгилаш зарур эди. Шунинг учун ҳам мазкур асар дидактик, яъни таълимий-ахлоқий услубда ёзилди. Ўша даврларда бундай асарлар (масалан, Низом ул-Мулкнинг “Сиёсатнома”, Кайковуснинг “Қобуснома”) ёзиш анъанага кирган бўлса ҳам, ҳар бири ўзига хос йўл-услубга эга бўлиб, “Қутадғу билиг” улардан олдин яратилгандир. Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асари таълимий-ахлоқий асар сифатида педагогика тарихида энг юқори ўринларда туради.

“Қутадғу билиг” асари Шарқда панднома типдаги анъанавий китоб тузиш тартибига риоя қилган ҳолда тузилган. Аввал насрий муқаддима, сўнг 73 бобдан иборат китобнинг мундарижаси берилади. Дастлабки ўн бир фасли дебоча бўлиб, ҳамда наът ва Қорахонни мадҳ этиш, таълиф мақсади, етти кавокиб ва ўн икки бурж, тилнинг аҳамияти, муаллифнинг узри, эзгулик ҳақида, билим олишнинг аҳамияти, китобга ном берилиши, кексаликдан афсусланиш каби фасллардан иборатдир. Ўн иккинчи фаслдан бошлаб асосий воқеа баён этилади. Лекин асарда маълум бир сюжет йўқ. Асар тўрт қаҳрамон - Кунтуғди адолат рамзи, вазир Ойтўлди - давлат ва бахт рамзи, вазирнинг ўғли Ўғдулмуш - ақл рамзи сифатида, Ўзғурмуш - вазирнинг қариндоши қаноат тимсоли ўртасидаги мунозара асосида ҳаётий масалалар бир-бирига боғланган ҳолда баён этилиб, китобни ёзишдан ўз олдига қўйган мақсадга бўйсундирилади.

“Қутадғу билиг” Қажом Каримов таъкидлаганидек, “Адабий асар, бадиий адабиётнинг типик намунаси. Лекин у эпопея ҳам эмас, тўлиғи билан лирик руҳда ҳам эмас. У ахлоқ ва одоб, таълим ва тарбия ҳамда маълум маънавий камолатнинг йўл-йўриқларини, усулларини, чора-тадбирларини мужассамлаштирган қомусдир... бу асар том маъноси билан дидактик руҳда ёзилган таълим-тарбия, одоб-ахлоқ ва ҳикмат дарслигидир”. Кунтуғди номли Элин адолат билан ҳукмронлик қилади, у халқпарвар ҳокон, ўз давлатини ақл-заковат, билимга таяниб идора этади ва донг таратади. Ойтўлди ақли баркамол йигит. Эл синовиди ўзининг ақлий баркамоллигини намоён этиб, вазирлик лавозимини эгаллайди. У эл-юртни яшнатган бир пайтда хасталаниб, ўлими олдидан ўғлига панд-насихат беради. Ўғдулмуш отаси ўрнига Элигнинг хизматига киради ва ақли, заковати, билими, яхши хулқ-атвори билан Элигнинг, ҳам элу халқнинг эътиборини қозонади. Давлат ишлари кўпайиб боргани туфайли Кунтуғди Элиг Ўғдулмушдан унга ёрдам бера оладиган бирор киши борми, йўқми, деб сўрайди. Ўғдулмуш унга Ўзғурмиш деган ўта зукко, ақлли қариндоши борлиги, аммо у тарки дунё қилганлигини айтади. Шунда Кунтуғди уни Ўзғурмишни топиб келишни буюради. Аммо Ўзғурмиш икки марта ҳам таклифни рад этади, фақат учинчи марта Элиг уни хизматга эмас, бундай одамни бир кўриб, у билан суҳбат куриш орзусида эканлигини айтади. Шунда Ўзғурмиш рози бўлади ва Элиг билан учрашади. Улар ўртасида маълум суҳбат ва зиёфатдан сўнг, Ўзғурмиш яна ўз жойига қайтиб кетади.

Ўғдулмиш кексайиб қолгандан сўнг, Ўзғурмишнинг ҳузурига боради ва тарки дунё қилиш керакми, ёки давлат ишларини давом эттириш зарурлигини сўрайди. Ўзғурмиш унга дунё ишлари билан машғул бўлишни маслаҳат беради, қайтариб юборади. Тез орада Ўзғурмиш оғир дард билан беморланиб, оламдан ўтади.

Ана шу тўрт қаҳрамоннинг суҳбатлари, муносабатлари асосида Юсуф Хос Ҳожиб ўз мақсад ва ғояларини баён этади. Ойтўлдининг ўғли

Ўзғурмиш билан Элигнинг суҳбатида эса сарой амалдорлари: беклар, вазирлар, лашкарбошилар, ҳожиблар, элчилар, сар хотиб, хазинадор, дастурхончилар, шаробдорлар, бекларнинг ўз хизматкорларига муносабати қандай бўлиши кераклиги баён этилади.

Ҳамду сано, шукрона ва мақтовлар (бўлсин) энг азиз ва энг улуғ Тангригаки, (у) улуғлик соҳиби, тугал қудратли подшоҳ, ерни, кўкни яратган, ҳамма тин олувчиларга ризқ бергандир. (У) нимаики истаса қилгандир, шунингдек, нимани истаса қилгусидур, яфъалу мо яшау ва яҳкаму мо юрид. Шунингдек, одамлар орасида сараси (бўлмиш) Тангрининг расулига сонсиз саломлар бўлсин, (расулнинг) сафдошлари (бўлмиш) азиз ва қимматли саҳобалар узра, ризваноллоҳу алайҳум ажмаина. Бу китоб жуда азиздир. Чин донишмандларининг масаллари билан яратилган, Мочин донишмандларининг ашъорлари билан тартиб берилган бу китобни ўқиғувчи, бу байтларнинг маъносини чақувчи (киши) китобдан (ҳам) яхши азизроқ бўлади. Мочин олимлари, донишмандлари бир қарорга келдиларки, Машриқ вилоятида, Туркистон элларида Буграҳон тилида бирор кимса ҳаргиз бу китобдан яхшироқ (китоб) ёзган эмас. Бу китоб қайси подшоҳ(лик)га ёки қайси иқлимга етса, ғоят яхшилигидан, ниҳоятдан ортиқ даражада жозибалилигидан ўша элларнинг донишмандлари, олимлари қабул қилиб, ҳар бирлари бир турли от-лақаб бердилар. Чинликлар “Одоб ул мулук” (деб) от бердилар, Мочин маликининг надимлари “Ойин ул мамлакат” (деб) атадилар, машриқликлар “Зийнат ул умаро” деб атадилар, эронликлар “Шоҳномаи туркий” дедилар, шунингдек баъзилар “Пандномаи мулук” дебдилар, туронликлар “Қутадғу билиг” деб айтибдилар.

Бу китобни тартиб берувчи Баласоғунда туғилган, парҳез соҳиби (яъни тийилган, сабр-қаноатли) кишидир. Аммо бу китобни Кошғарда тугал қилиб, Машриқ малики Тавғачхон даргоҳига келтирибдир. Малик уни ёрлақаб, улуғлаб, ўз (саройида) Хос Ҳожиблик (лавозим)ини унга берибди. Шунинг учун Юсуф Улуғ Хос Ҳожиб деб машҳур номи тарқалибди. (Бу китоб) шулар

билан қадрлидир: бири – адл, иккинчиси – давлат, учинчиси – ақл, тўртинчиси – қаноат. Адлга Кунтуғди элиг номини бериб, подшо лавозимида тутибди, давлатга Ойтўлди номини бериб, вазир лавозимида қўйибди, ақлга (эса) Ўғдулмиш номини бериб, вазирнинг ўғли ўрнида тутибди, қаноатга Ўзғурмиш номини бериб, (Ўғдулмишнинг) қариндоши деб айтибди. Шунингдек, улар орасида мунозара савол-жавоби бўлиб ўтгани тарзида ҳикоя қилибди. Ўқувчи кўнгли очилиб, мусаннифни эзгу дуолар билан ёд қилсин, иншоллоҳу таоло.

ДЕБОЧА

Азизу мукаррам қодир Раббано,
Шаънингга беадад минг ҳамду сано.
Улуғдан-улуғ, муқтадир зулжалол,
Яратгувчи, аввал-охир баркамол.
Ҳалойиқ, замини само Раҳмони,
Беармон егайсан, бисёр ош-нони.
Зиёда қамуғга ғоят ризқ-рўзи,
Едирар қамуғни, емас ҳеч ўзи.
Очин қўймас зинҳор жонлини барча,
Едирар, ичирар сонлини барча.
Унинг истагича бўлди бор қамуғ,
Тиласа кимни у айлагагай улуғ.
Расули Акрамга дурудун салом,
Ахир қавми нодон билмас ҳеч буни,
Фақат доно ўкиб, авайлар уни¹¹.

Кўриниб турибдики, “Қутадғу билиг”даги бош ғоя - инсонни ҳаётда бахт-саодатга элтувчи асосий қарашлари рамзий қаҳрамон: Кунтуғди - Элиг подшо, адолат тимсоли, Ойтўлди - вазир давлат тимсоли, Ўғдулмиш – вазир

¹¹Адабий дурдоналар. Юсуф Хос Хожиб Қутадғу билиг.. –Т: Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2007. 19 б

ақл тимсоли, Ўзғурмиш - вазир қариндоши. Қаноат тимсолининг ҳаёт ва давлатни бошқариши жараёнидаги ҳатти-ҳаракатлари ва фикрлари орқали берилганки, булар инсон камолотининг муҳим мезонлари саналади.

II БОБ. ЮСУФ ХОС ХОЖИБ МЕЪРОСИДА ЖАМИЯТ МАЪНАВИЙ МАДАНИЯТИ МУАММОСИ.

2.1 Юсуф Хос Ҳожиб жамият ва давлатни идора қилишда сиёсий маданиятнинг роли ҳақида.

Жамият ва давлатни идора қилиш масаларини ўтган замонлардаги барча мутафаккирлар ижодида асосий ўринни эгаллаб келган. Бу масала қадимги халқ оғзаки ижодид асосий ўринни эгаллаб келган. Бу масала қадимги халқ оғзаки ижодида адолатли шоҳлар ва саодатли замонлар ҳақидаги асотирилар, ривоят ва афсоналар мазмунини ташкил этиб келган. Чунки, одамзод пайдо бўлибдики, уни орзу-умиди озод ва эркин яшашдан иборат бўлганки, бу ниятлар уларга йўлдош бўлиб, эртанги кун учун, келажак учун идеалга айланган.

Юсуф Хос Ҳожиб ҳам ўз ижодида Форобий, Беруний, Ибн Сино, Маҳмуд Қошғарий каби мутафаккирлар сингари буюк салафларининг меросига суянди. Шу билан бирга, мазкур муаммони таҳлил этишда у ўша даврда мавжуд бўлган маънавиятга асосланади. Айрим ижтимоий масалаларда рационалистик нуқтаи назардан туриб ёндашди, ҳукмдорлар билан фуқаролар ўртасидаги муносабат масаласида ўз даври учун ижобий бўлган фикрларни ўртага ташлайди. Шунингдек, унинг дин ва руҳонийларнинг жамиятда тутган ўрни ҳақидаги қарашлари диққатга сазовор.

Олдинги бобда тўхталиб ўтганимиздек, “Қутадғу билиг” достонини фалсафий-дидактик дoston бўлиб, унда муаллифнинг фалсафий-ахлоқий қарашлари 4 масала устида боради. Уларнинг ҳар бири мажозий образлар тимсолида баён қилинади. Булар адолат—Кунтуғди, давлат—Ойтўлди, ақл—Ўғдулмиш, қаноат—Ўзғурмишдир. Ана шу образларнинг саргузаштлари, суҳбат-мунозаралари ва савол-жавоблари орқали Юсуф Хос Ҳожибнинг жамият, давлат ҳақидаги, уни идора қилиш ҳақидаги қарашлари баён этилади. Демак мутафаккирнинг сиёсий маданияти

нақадар юксак эканлиги, ана шу юксакликдан туриб, ўзи яшаган даврга, бу даврнинг ҳукмдорлари сиёсатига назар ташлаган. Худди шу нуқтаи назарини “Қутадғу билиг” асари қаҳрамонларининг қарашлари орқали юрт хоқонларига етказишга уринган. Унинг натижаси шу билан тугайдики, Қашқар хоқони унга ешик оғаси деган обрўли мансаб бериб тақдирлайди. Хоқонга маъқул келган бу асар, унинг расмий сиёсатига айланган бўлиши керак. Зеро, “Қутадғу билиг” фақатгина сиёсий насихатдан иборат асаргина бўлиб қолмасдан балки ҳукмдорларни омма билан, халқ билан муомала қилиш маданиятини, ўз сиёсатини қандай қилиб оммага етказиб, уни бошқариш, идора қилиш маданиятини шакллантиришга ёрдам берадиган дастуруламалга айланган асар бўлиб хизмат қилган асар деб бемалол айтишимиз мумкин. Чунки Ўрта Осиёда ибтидоий тузумнинг емирилиши, илк феодализмнинг шакллана бориши, турли қабилалардан таркиб топган феодал давлатни бошқариш, идора қилиш эҳтиёжи “Қутадғу билиг”дек дастуруламал бўладиган асарларга бўлган эҳтиёжни юзага келтиргандир.

Достоннинг кўпчилик боблари, ўз даврнинг ижтимоий-сиёсий масалаларга бағишланади. Унинг қаҳрамонларининг деярли ҳаммаси деярли ҳаммаси давлат бошлиқларидир: яъни Кунтуғди—подшо, Ойтўлди—вазир, Ўғдулмиш—вазирнинг ўғли, Ўзғурмиш эса Ўғдулмишнинг қариндошидир. Ана шу образлар орқали, шоирнинг ғоявий нияти ўртага ташланади. Ана шу ният жамият ва давлатни бошқариш, ҳукмдор ва сарой аҳллариининг бурч ва вазифалари, турли ижтимоий ва уларнинг ҳукмдорларга муносабати масалаларида очилиб берилади.

Юсуф Хос Ҳожибнинг фикрича сиёсат ва ахлоқ бир-бири билан боғлиқ. Ахлоқсиз ҳукмдор давлатни бошқаришга қодир бўлмаганидек, ахлоқдан айнига жамиятда, яхши сиёсат олиб бориб бўлмайди. Ҳар қандай жамиятнинг таназзулга юз тутиши, ахлоқий бузилишдан, маънавий қашшоқликдан бошланади. Шунинг учун, ҳукмдорларнинг

сиёсати ахлоқий нормаларнинг бузилишига йўл қўймаслигига қаратилмоғи лозим. Бунинг учун, ҳар қандай жамиятда, у ёки бу тарзда жамият аъзоларининг сиёсий маданиятининг шакллантишга эътиборини қаратмоқлик мақсадга мувофиқдир. Ана шу мақсад, асар қаҳрамонларининг тимсолида, уларнинг фаолиятлари, хатти-ҳаракатларида ўзининг ифодасини топади.

Юсуф Хос Ҳожиб фикрича, давлатни идора қилишда ҳамма нарса оилӣ даражада бўлмоғи, уни бошқарувчилар донишманд ва маърифатли кишилар бўлиб, уларнинг ақл-идроклари, билимлари билан ажралиб туришлари ва айни вақтда ўзларидаги билимларни ўзгаларга етказишлари ва уларни баҳраманд этишлари мувофиқ. Худди ана шунда ҳар қандай давлатнинг фуаролар сиёсий маданиятини оширишдан манфаатдор эканлиги келиб чиқади.

Юсуф Хос Ҳожибнинг идеал эл ҳақидаги утопик ғояларини Афлотуннинг идеал давлат ҳақидаги ғояси ўртасида, давлатга бошчилик қилаётган шахснинг ёки шахслар гуруҳининг давлат бошқаришдаги роли ва вазифалари ҳақидаги қарашлари ўртасида ўхшашликни пайқаш мумкин.

Маълумки Афлотун ўзининг “Давлат” асарида давлат ҳокимиятини мумтоз-файласуф аристократлар бошқамоғи лозим, деб таъкидланган эди. Бу ўринда у аристократ деган тушунчани таги зоти бутун кишиларга муқояса қилади.

Таги зотини суриштириш насл-насабига эътабор бериш, барча доно ва оқил ҳукмдорга хос еди. Буюк Амир Темур ҳам вазирлар тайинлашда 4 та сифатга эътабор берган. Шулардан бири “асиллик ва тоза наслик”дир. Шунга кўра, Буюк соҳибқирон зоти паст одамларни ҳукумат ишларига яқинлаштирмаслик керак деган.

Кўриниб турибдики, Юсуф хос Ҳожиб муайян тарзда ҳукмдорни идеаллаштиради, илоҳийлаштиради. Бу унинг камчилиги эмас, балки

тарихан чекланганидир. Чунки, у даврлар ислом динини таъсири жуда кучли бўлган, ислом мафкураси ҳукмрон эди. Ҳукмдорлар худони ердаги сояси деб тарғиб этиларди.

Юсуф Хос Ҳожиб ўз даврининг фарзанди сифатида мазкур тарихий даврдаги ҳукмрон мафкура таъсирида бўлади. Унинг фикрича бек яъни елиг давлатнинг ҳукмдори, унинг иродаси мамлакат аҳолиси учун қонундир, яъни “подшойи ҳукми вожиб”. Беклик мансабига эришган киши беҳосият бўлмайди, балки у илоҳий қудрат хоҳиши билан дунёга келган инсондир:

Баёт кимки берса бу беклик иши

Берур уч кўнгил кур ул ишка туши.

Кими баг турутмак тиласа баят,

Берур ашну қилқ янг унуш йўғ қаноат.¹²

Мазмуни: баёт худо кимга беклик вазифасини берса, аввал унга ҳарчоқ фаҳм-идрок ва иш асосларини бахш этади. Худо кимни бек қилмоқчи бўлса аввал қушга пат-қанот берганидек, хулқ-атвор, фаҳм – фаросат ато қилади.

Достоннинг ғоявий мазмунга эътабор берар эканмиз, Юсуф Хос Ҳожиб нинг фалсафий қарашлари уни бир томондан, даврнинг илғор ғояларини илгари сурган мутафаккир ва давлат арбоби, иккинчи томондан эса қорахонийлар саройида хизмат қиладиган ҳукмдорлардан бири эканлиги кўз олдимизга келади. Бунга тарихийлик нуктаи назаридан ёндашмоқ зарур. Бироқ айрим одамлар мазкур масалага бир томонлама ёндошадилар. Масалан, О. Жўраев ўзининг рисоласида таниқли адабиётшунос Н.М.Маллаевни у Юсуф Хос Ҳожиб феодаллар манфаатини ифодалайдиги ижодкор сифатида талқин қилади, деб танқид қилади. Бундай танқид ноўрин бўлиб, ҳақиқатга бутунлай зиддир. Мана, Н.М.Маллаев

¹² Адабий дурдоналар. Юсуф Хос Ҳожиб Қутадғу билиг.. –Т: Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2007. 32 б

нималарни ёзади: Юсуф Хос Ҳожибнинг бек ва унинг сарой аҳли ҳақидаги фикр-мулоҳазалари феодал давлат ҳокимиятини мустаҳкамлашга, нисбий осойишталик барқарор етиб, феодал хўжалик ва маданиятни ривожлантиришга қаратилган эди. Бинобарин, Юсуф Хос Ҳожибнинг фикр-мулоҳазалари, шубҳасиз, ўз даври учун прогрессив қимматга эга эди. Шоирнинг “элнинг ҳукмдорига”, “ҳукмдорнинг элга талаби” ҳақидаги мулоҳазалари ҳам, феодал тенденсиозлигига қарамай хўжалик ва маданият тараққиёти, мамлакатнинг ободлиги ва осойишталиги жиҳатидан маълум ижобий аҳамиятга эга эди... бу талабалар, шубҳасиз, феудал ҳукмдорликни мустаҳкамлаш ва меҳнаткаш омманинг қарамлигини кучайтиришга қаратилган. Олимнинг бу сўзлари бутунлай ҳақиқатга тўғри келади. Зотан, Юсуф Хос Ҳожиб давлат арбоби бўлганлиги **Бек ўз вақтини давлат ишлари билан ўтказар, билимини оширар экан**, маишат ва фисқ-у фасоддан узоқроқ турмоғи зарур. Зеро, қаерда майхўрлик, маишат, фисқ-у фасод бўлса, ўша ердан қут-барақа кўтарилади:

Бу икки қилмишдин зиҳор қут қочади,

/Агар/ дунё беклари ичимликка /маишатга/ берилса,

Ел ва халқнинг дардлари /қисмати/ ачҳиқ бўлади.

Майхўрлик давлат ишларига путур етказади, турли ножўя ҳатти-ҳаракатларга сабаб бўлади:

Қанчадан-қанча нолойиқ ишлар май ичгач содир бўлади,

Қанчадан-қанча хайрли ишлар кайф қилгач қолиб кетади.

Феодал жамияти шароитида ҳоконлар саройида майхўрлик ва маишат кучайиб кетганлиги, фисқ-у фасод авж олганлигига ишора қилган шоир уларни бу йўлдан қайтаришга уринади.

Юсуф Хос Ҳожиб жамиятдаги барча кишилар қандай табақаларга мансуб бўли-шидан қатъий назар улар ўртасида самимийлик, одамгарчилик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-муҳаббат бўлмоғи зарур дейди ва ана шундай бўлишини орзу

қилади. Ана шу фазилатларга қатъий риоя қилиш воситасида мазкур жамиятни бедаво дарддан халос қилишни истарди. Бу нарсани, феодал жамият шароитида амалга ошириш мумкин эмас эди. Лекин, у халқи ўзаро иноқ, мамлакати фаровон бўлган жамиятни орзу қилар эди.

Юсуф Хос Ҳожиб феодал саройидаги низо-адоватларни, тож-у тахт учун ўзаро курашларни кескин қоралайди:

Бу беглиг учун қарши булур,

Икки кун қоришса бириси улур.

У сўз ўйини билан қарши /низо-адоват/ қаршига /саройга/ қаршидир, улардан бири бўлса, иккинчиси бўлмаслиги лозим, дейди.

Ўрта Осиёнинг бошқа мутафаккирлари каби Юсуф Хос Ҳожиб ҳам ўзининг ахлоқий қарашларини ижтимоий-сиёсий қарашлари билан боғлайди. Унинг фикрича, ҳокимларнинг ўзлари ҳам, уларга қарам кишиларнинг ҳам ахлоқий камол топиши давлатнинг сиёсий жиҳатдан мустаҳкамланишига, унинг обро-эътиборини ошишига олиб келади.

Шоирнинг фикрича, давлат тепасида одил ва адолатли шоҳ турмоғи лозим. У адолат қонунларига риоя қилиши, бойликка берилмаслиги шарт. Донишманд одам хоқон бўлса ақл билан адолат бошқарувнинг негизини ташкил қилади. Зотан, ақл ва адолат ҳукмрон бўлган жойда, шубҳасиз, мамлакатда бахт-саодат ва фаровонлик бўлади. Жамият аъзолари ўртасидаги муносабатлар дўстлик ва садоқат ҳаллолик ва ростгўйлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-муҳаббат каби умуминсоний қоидаларга суянади. Шоир ҳумдорни табибга ўхшатади. Агар табиб беморни арз-у додига қулоқ солмаса, касаллик сабабини била олмаса, беморни даволай олмайди. Худди шундай давлат бошлиғи жамият аъзолари аҳволидан хабардор бўлиб, давлатида мавжуд бўлган нуқсон ва камчиликларни олдини олиши даркор.

2.2 “Қутадғу билиг” асари ва унда етук инсонни камолга етказиш масаласи.

Юсуф Хос Ҳожиб ўз асарини ёзиш учун жуда катта тайёргарлик кўради: Чин (Хитой), Мочин (Шарқий Туркистон), Эрон ва Турон бўйлаб сафар қилади. У ердаги турли маданий-адабий, тарихий ёдгорликларни ўрганади. Шунинг учун ҳам асарга ўз даврининг ниҳоятда аҳамиятли бўлган ранг-баранг мавзуларини қамраб олади. «Қутадғу билиг» («Бахт-саодатга элтувчи билим») асари ҳижрий 462 йил, милодий 1069 — 1070 йилларда ёзилган. Асарни ёзиш учун муаллиф 18 ой (бир ярим йил) вақт сарфлайди. Китоб Қашғар ҳукмдори Тамғач улуғ Бугро Қорахон або Али Ҳасан бинни Арслонхонга тортиқ қилинган ва бунинг эвазига муаллиф Хос Ҳожиб (муқаррам, эшик оғаси) лавозими билан тақдирланган. Шундан кейин у Юсуф Хос Ҳожиб номи билан шуҳрат қозонган. Туркий адабиётда аруз вазнидаги дастлабки йирик тажрибани Юсуф Хос Ҳожиб бошлаб берган. У ўз асарини мутақориб баҳрида ёзган, тажнисли қофияларни ишлатган. Адиб сўз қудратини, она тилининг ички имкониятларини нозик даражада ҳис этади. Унинг ўзи «мен туркча сўзларни ёввойи тоғ кийиги сингари деб билдим, шунга қарамай уларни авайлаб-асраб қўлга ўргатдим», деб ёзади. Юсуф Хос Ҳожиб тилни «билим ва ақл-идрок таржимони» деб атайди. «Қутадғу билиг» панднома асар бўлиб, унда тўртликлар, баҳор мадҳи, тилнинг фазилати, фойда ва зарарлари, билим, ўқув-идрок фарқи, бир йигитга қирқ ҳунар озлиги ҳақида фикрлар келтирилган.

Асарда келтирилган қуйидаги тўртликни туркий ёзма адабиётда яратилган дастлабки туюқлардан бири деб дадил айтиш мумкин:

Қаю эрда бўлса уқуш била ўг, (ақл)

Ани эр атағил, неча ўгса ўг. (мақта)

Уқуш, ўг, билиг кимда бўлса тугал,

Явуз эрса каз те, кичиг эрса — ўг. (улуғла)

Мазмуни: Қаиси бир кишида ақл ва заковат бўлса,

Уни (ҳақиқий) киши деб атагин, қанча мақтасанг мақта.

Заковат, ақл, билим кимда етук бўлса,

Ёмон бўлса (ҳам) яхши де, кичик бўлса (ҳам) катта деб бил (яъни улуғла).

Адибнинг бу асарини ватан, эл-юрт мадҳияси деб аташ мумкин. Юсуф Хос Ҳожиб ҳукмдор ва сарой аҳлини одил бўлишга, адолат билан иш юритиб, мамлакатни обод ва элни шод-хуррам қилишга даъват этади.

Асарда муаллиф ўхшатиш (ташбеҳ) санъатини жуда ўринли қўллаган. Юсуф Хос Ҳожиб йилқи (ҳайвон) образини нодон, билимсиз, заковатсиз, очкўз ва умуман ёмон хулқли кишига нисбатан, бўри образини лашкарбоши, ёв-душман, мард, эр, ўлим кабиларга нисбатан қўллаган. Лашкарбошининг кучлилиги, ёвга даҳшат солиши арслонга, доимий хушёрлиги зағизғонга, бақувватлиги қоплонга, хужумкорлиги ва душманга ҳамласи тўнғизга, мардонаворлиги бўрига, жангда моҳирлиги, ҳийлакор ва тадбиркорлиги тулкига, шиддати айиққа, қасоскорлиги қўтос ва туя эркагига ўхшатилган.

«Қутадғу билиг» истиоралари ҳам ўзига хос. Тун бир ўринда «қора юз боғи» истиораси билан ифодаланса, бошқа ўринларда «занги юзи», «севуглар қоши», «қора соч бўдуғи», «қора кўйлак», «зоғ ранги», «хабаш қиртиши», «тул тўни», «кундуз териси» истиоралари билан ифодаланган. Шоир йигитликни кезувчи булутга, ёшликдаги юзни арғувонга, сочни ипорга, коматни қайин ва ўққа ташбеҳ қилади. Қуёшнинг истиоравий ифодаси «румий қизи»дир. Шунингдек, у «сата» (маржон), «сата қалқани» (маржон шодаси), «ёруғ юз», «сара қиз юзи» истиоралари билан ҳам ифодаланган. Юсуф Хос Ҳожиб йигитликни «тириглик татғи», «қамуғ кўрк», «севуг жон севунчи» деб атайди.

Асарда келтирилган «Баҳор мадҳи»ни туркий адабиётдаги илк қасида сифатида баҳолаш мумкин. Бу қасида 59 байтдан иборат бўлиб, маснавий тарзида (а-а, б-б, в-в,...) ёзилган.

«Қутадғу билиг» асари 6500 байт, 73 фасл (боб)дан иборат. Асосий бўлим Кунтуғдининг таърифи билан бошланади. «Қутадғу билиг»ни

чинликлар «Адабул-мулук», мочинликлар «Ошинул мамликат», Шарқда «Зийнатул умаро», эронликлар «Шоҳномаи туркий» ёки «Пандномаи мулук», туронликлар «Қутадғу билшг» деб аташган. Юсуф Хос Ҳожиб эса ўз асарини «Туркий моҳнома» деб атаган.

Бу асарнинг уч қўлёзма нусхаси маълум. Бу нусхалар «Вена» (ёки «Ҳирот»), «Қоҳира» ва «Наманган» (у наманганлик Муҳаммадхожи Эшон Лолариш шахсий кутубхонасидан олинган) нусхалари деб юритилади. Унинг XV асрда Ҳиротда кўчирилган нусхаси уйғур ёзувида бўлиб, қолган икки нусхаси араб ёзувидадир. Абдурауф Фитрат «Қутадғу билиг» нинг Наманган нусхасини топиб (1925) илмга, маданиятга олиб кирган. «Қутадғу билиг» XII — XIV асрларда Европада «зертсал» деб номланган жанрнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган. Бу дostonда тўртта асосий масала қўйилган ва бу масалалар тўрт мажозий образ қиёфасида ифодаланган.

Асарда тўртта етакчи қаҳрамон бор. Булар қуйидагилар: Адолат — подшо Кунтуғди (чиққан кун), давлат — вазир Ойтўлди (тўлган ой), ақл — вазирнинг ўғли Оғдулмиш (ақлга тўлган) ва қаноат (офият) — Ўзғурмиш (уйғонган, хушёр қилувчи, сергаклантирувчи). Муаллиф ўз фикр-мулоҳазасини образларнинг ўзаро савол-жавоби ва мунозаралари ёли билан ифода этади. Асар қаҳрамонларнинг ўзаро суҳбати асосига қурилган. Унда Кунтуғди ва Ойтўлди дунё ҳодисалари ҳақида суҳбатлашади.

Юсуф Хос Ҳожиб тасвирида Кунтуғди «қилмишлари тўғри, феълу табиати рост, тили чин, етук, кўзи ва кўнгли бой, билимли, заковатли, хушёр, ёмонларга мисли бир олов эди». Кунтуғди бир куни уч оёқли кумуш курси устида, қўлида пичоқ, сўл томонида уроғун (бир хил дори) ва ўнг томонида шакар қўйилган ҳолда туради. Ойтўлди бунинг сабабини сўрайди. Кунтуғди қуйидагича жавоб беради: «Мен устида ўтирган курсининг оёғи учтадир. Барча уч оёқли нарса силжимас, мустаҳкам бўлади. Агар поялардан бирортаси силжиса, у курси йиқилади. Қўлимдаги пичоқ эса қирқувчи ва

кесувчи нарсадир. Ким адолатимдан баҳра олса, шакардек чучук булиб кетади — севинади. Зўравон, золимлар эса уроғун ичгандек юзи буришади».

Ойтўлди — вазир, айна пайтда давлат рамзи. Бир куни Элиг-хукмдор уни чақиртирганда Ойтулди кўзини юмиб, юзини ўгириб, коптокнинг устига ўтириб олади. Бунинг сабабини Ойтўлди қуйидагича тушунтиради: «Сен ўрин бердинг, мен эса аввалига ўтирмадим, чунки менинг ўрним йўқ, бунинг билиб ол, демоқчи бўлдим, Копток менга ўхшайди. У ўринсиз думалаб юргани каби Давлат ҳам беқарордир. Илтифот қилганингда кўзимни юмганлигим ва юзимни ўгирганлигим менинг қилмишларим жафо, менга ишонма, деганим эди». Асарда Ойтўлдининг вафот этиши ҳам бежиз эмас.

Ўғдулмиш — асардаги энг фаол қаҳрамон. Ўғдулмиш «ақл билан зийнатланган» демакдир. Ундаги бош фазилят ҳар қандай ҳодисага ақл кўзи билан қарашдир. Ўғдулмиш билимдон, донишманд киши. У ҳаётнинг ҳамма соҳаларидан пухта хабардор. Ўғдулмиш ва Ўзғурмишнинг савол-жавоблари баъзан кескин мунозара даражасига етади. Шунда ҳам Ўғдулмиш босиқлик қилади, ақл билан иш юритади, натижада Ўзғурмишни ўз ғояларига ишонтиради.

Ўзғурмиш «хушёр қилувчи», «сергаклантирувчи» демакдир. Бошқалардан ўзиб кетувчи маъноси ҳам бор. Унинг зоҳид қиёфасида кўринишида шу маънога уйғунлик бор. У беҳуда ишлар билан банд бўлиш, ҳар хил майда-чуйда орзу-ҳавасларга овуниб қолишдан огоҳлантиради. Мудраб бораётган туйғуларни сергаклантиради. Ўзғурмиш қатъий фикрли инсон. У Элигнинг шаҳарга саройга таклифини рад этади. Гарчи бу таклиф уч марта такрорланса-да, у фикрини ўзгартирмайди. Фақат Ўғдулмишнинг оқилона тушунтиришларидан сўнг, зиёрат мақсадидагина Элиг ҳузурига боради. Ўзғурмиш Элигга сўнгсиз тириклик, қарилик кўрмас йигитлик, доимий соғлик, туганмас бойлик каби тўрт шарт қўяди («Садди Искандарий» да шахзода Искандарга ҳам шундай шартлар қўйилган). Сўнгга ўз манзилига — тоғ этагидаги ғорга қайтади ва шу ерда вафот этади.

Ўзғурмиш — тақводор инсон. У дин ва диёнатни ҳамма нарсадан устун қўяди. У Ўғдулмишга қуйидаги фикрларни айтади: «Сен тансиқ таомларни, мен эса оддий арпа ошни еймиз. Ухлаб турсак, иккимиз ҳам оч қоламиз. Шундай экан, бундай овқатларга ружу қўйишнинг нафи йўқ. Сен кимхобларга ўраниб юрасан. Мен эса қопдан тикилган тўн билан кифояланаман. Эртага ўлим келса, иккимиз ҳам яланғоч кетамиз-ку! Демак, танни эмас, руҳни бойитиш лозим».

Умуман, Юсуф Хос Ҳожиб бу образлар тимсолида Давлат Адолат ва Ақл билан бошқарилмоғи керак, деган фикрни илгари сурган.

Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асарида инсоннинг жамият ва ҳаётда тутган ўрни, бурчи ва вазифалари ҳақидаги муаммолар ўзига хос бир тарзда баён этилади.

Мутафаккир китобнинг анъанавий бошланмасидан кейинроқ инсоннинг ҳақиқий бахти билимда эканлигини баён этади. Яна илм заковатнинг аҳамияти ҳақида қатор бобларда ҳам фикр юритиш билан бирга унга алоҳида боблар ҳам бағишланади. Лекин олим фақат илм-маърифатнинг аҳамиятини кўрсатибгина қолмайди, у билим ва заковатнинг амалдаги ўрнини ҳам ёритади. У билимни буюк, ўқувни улуғ деб таърифлайди. Чунки заковатли инсон улуғ бўлади, билимли киши буюк бўлади, деб илмли кишиларни асл тоифадаги кишиларга қўшади. Олим эзгу ишларнинг барчаси илм туфайли амалга ошрилиши мумкинлигини айтади. Ўша даврда олим “Билим ҳатто осмон сари йўл очур” деб башорат қилади.¹³

У дунёда одам пайдо бўлибдики, фақат билимли кишиларгина эзгу иш қилиб, адолатли сиёсат юргизиш келган деб, инсон яратилгандаёқ унга билим, ўқув-заковат берилганлиги, ана шу билим ва заковати туфайли кишилар разолатдан покланганлигини уқтиради. Ҳатто ҳукмдорлар ҳам юртни, давлатни ақл, илм, заковат билан идора этса, эл-юрт фаровон бўлади, тўқ ва

¹³ К.Хошимов ва бошқалар. Педагогика тарихи. – Т.: “Ўқитувчи”, 1995, 108–бет.

тинч ҳаёт кечиради, дейди. У куч ва қуролни ақл ва билимдан кейинги иккинчи ўринга қўяди.

Юсуф Хос Ҳожиб илмли, маърифатли кишиларни қадрлаш керак чунки улар машъал каби йўлни ёритиб, тўғри йўл кўрсатади. Яхши-ёмонни фарқ этишни ўргатади, дейди.

Дунёда инсон билим ва заковат туфайли орзу-тилакларига, улуғликка эришиши мумкинлигини айтади. Лекин шундай билим ва заковатнинг қадрига фақат худди ўзларига ўхшаган донолар ва заковатлилар ётади. Жоҳил ва телбалар бундай ҳислатларга эга эмас, дейди. Чунки жамиятдаги барча хатолар билимсизлик, нодонлик, жаҳолат туфайли содир бўлишидан у қайғуга тушади, ҳаётда нодон ва жоҳиллар кўпайиб кетганлигидан афсусланади. У юртни идора этувчи ва халқни бошқарувчиларни икки тоифага бўлиб, биринчиси адолатли, сиёсатни юритувчи беклар ва иккинчиси доно олимлар дейди. Чунки сиёсатчилар юртни бошқарса, олимлар маърифий йўл-йўриқ кўрсатади. Олим билимни зиёга, тенги йўқ жавоҳирга ўхшатиб, у инсонни юксалтиради, жаҳоннинг сир-асрорларини билиб олишга ёрдам беради, дейди. Инсоният нимага эришган бўлса, билим туфайли эришганлигини таъкидлайди. Аммо бу бойликни ҳеч ким ўғирлай олмайди деб, билим ва заковатни муқаддас дўст, меҳрибон қариндош, кийим ва озуқа сифатида таърифлайди.

Лекин Юсуф Хос Ҳожиб илм-фанни эгаллашни тарғиб этибгина қолмайди, уни ҳаётга татбиқ этиш, амалда қўллай билишга ҳам даъват этади. Юсуф Хос Ҳожиб инсонга “хизмат этмаган илмни денгиз тубидан фойдаланилмай ётган инжуга ўхшатади. Шунингдек, ер остида ётган олтинни ҳам қазиб олинса, беклар бошига тож бўлганидек, илмни ҳам фойдали нарсаларга сарф этишга даъват этади”. Инсон билимсиз, нодон, жоҳил бўлса, ярамас ишлар қилиши, аксинча билимли, доно, зукко бўлса эзгу ишларни рўёбга чиқаришни таърифлаш билан кишиларни тинмай илм олишга ундайди.

Юсуф Хос Ҳожиб жамият тараққиёти ва халқ фаровонлигида муҳим ўринга эга бўлган деҳқонлар чорвадорлар савдогарлар, табиблар, олимлар ҳақида ҳам муҳим фикрлар баён этади ва ҳар бирининг жамиятдаги ўрнини кўрсатиб беради. Зеро, деҳқонлар ва чорвадорлар ҳам ижтимоий, иқтисодий ҳаётда тутган ўрнини юқори баҳолайди ва улар энг ҳалол, шарафли, муқаддас эканлигини таърифлайди.

Умуман олганда, Юсуф Хос Ҳожиб жамиятнинг ривожланишига ҳисса қўшган ҳар бир касб-хунар эгасини улуғлайди ва уларни кадрлаш зарурлигини таъкидлайди.

Юсуф Хос Ҳожиб инсонни камолга етказишнинг яна бир ва энг муҳим томони уни ахлоқий камол топтириш деб қарайди. Мутафаккир ўзининг ахлоқий қарашларини, яъни ижтимоий муносабатлар, жамиятнинг барча табақалари ўртасидаги ахлоқий муносабатларни амалиётга таянган ҳолда ёритади. Бу ахлоқий хулқ-одоб тамойиллари, талаб ва вазифалар бутун асар давомида қаҳрамонларнинг ўзаро мунозаралари асосида ифодаланади. Унда Элиг(хон), унинг хизматидаги барча табақа ва тоифа вакиллари, ижтимоий гуруҳларнинг ўзаро муносабати, ахлоқий муомаласи талаблари баён этилади. Турли касб эгаларига хос хислатлар, одатлар ёритилади.

У инсон ҳаётида қилган иши билан ё яхши ном қолдиради, ёки ёмон ном олади, дейди. Асарда олим барча эзгуликнинг боши тил деб қарайди. Асарнинг бир боби тил одоби, унинг фойда ва зарарларига бағишланади. Тил инсоннинг қадр-қимматини оширади ёки шу тил орқали инсон юз тубан ҳам кетиши мумкин, дейди. Киши икки нарса билан ҳаётда мангу қолади: бири хушхулқлик бўлса, иккинчиси яхши сўз, дейди олим. Унинг тил ҳақида, сўз ҳақида айтган фикрларининг ҳар бири ҳикматли сўзга айланиб кетган. Кумуш ва олтин тугайди, аммо сўз муомалага киритилса, олтин ва кумуш қозонилади, оз сўзлаш, лекин кўп тинглаш керак. Ҳеч ким кўп сўзлаб олим ёки доно бўлмаган, қизил тил қора бошнинг ёви, аввал ўйлаб кейин сўзлаш керак каби фикрларини айтиб ўтади.

Инсоний муносабатларнинг энг олий мезони саналган ҳурмат ва эҳтиромни таркиб топтиришнинг барча кўринишлари асарда ўз ифодасини топган. Юсуф Хос Ҳожиб жамият тақдирини ҳал этувчи энг улуғ мансабдорлардан тортиб, оила аъзоларигача бир-бирига бўлган муомала, муносабат масалаларини ҳам ҳаётий масалалар воситасида ёритади. Катта ёшдагиларнинг кичикларга, кичикларнинг улуғларга, амалдор ва мансабдорларнинг ўз хизматчиларига, хизматчиларнинг ўз хўжаларига, турли ижтимоий гуруҳ аъзолари бир-бирларига, оилада оила аъзоларининг бир-бирларига муомала маданиятининг энг оддий кўринишларигача тасвирлаб, кишининг кўз олдида яққол намоён этади. Буни биз фарзанд тарбиясига, унинг туғилганидан бошлаб хулқ-одоб қоидаларини билим ва ҳунарни ўргатиш, бунинг учун пок ва билимли муаллим – мураббий танлаш, фарзандларнинг ҳатти-ҳаракатини доимо назоратда сақлаш, каби масалаларнинг баён этилишидан ҳам билсак бўлади.

Олим улуғ ва кичиклар ўртасидаги хулқ-одоб қоидалари ҳақида гапирар экан, шу аснода камтарлик, саломлашиш одоби, талаблари, қоидаларини ҳам тавсия этади.

Юсуф Хос Ҳожибнинг амалдорлар ахлоқи ҳақидаги ўғитлари диққатга сазовор ва унинг бу фикрлари ҳозирги даврда ҳам қимматли саналади. Олимнинг беклар, ҳожиблар, вазирлар, саройбошилар, элчилар, лашкарбошлар, девонбошилар, хазинадорлар, саркотиблар каби кўплаб амалдорларнинг ҳатти-ҳаракатлари, иш юритишлари, хулқ-одоб ҳақидаги амалий ўғитлари ва йўл-йўриқлари ҳар бир амалдор учун дастур саналади. Масалан, ҳар бир амалдор ўз ишининг устаси, илм-фанни эгаллаган, унинг турли соҳалар борасида фикр юрита оладиган, сўзга чечан, зеҳнли, фахм-фаросатли, ҳиммати баланд, кўзи тўқ, очик қўл, сахий, тадбирли, зукко, хушрўй, жиддий, қаноатли, жасур, соғлом, самимий, садоқатли, ўзи сўзи устидан чиқадиган, андишали, шеър баҳсида иштирок этиб, ўзи ҳам

шеърлар тўқий оладиган, турли тилларни била оладиган ва ўзи шу тилларда гаплаша оладиган, турли ёзувларни биладиган ва ёза оладиган, мард, шатранж, чавгон ўйинларда ўйнай оладиган, мерганлик каби хислатларга эга бўлиши кераклигини таъкидлайди.

Шунингдек, ҳар бир инсоннинг камолга етишида тўсқинлик қиладиган ёмон иллатлар, нуқсон ва камчиликлардан биринчи навбатда эл-юрт хизматида бўлган амалдорлар ҳам ҳоли бўлиши лозимлиги уқтирилади: ишратпарастликка берилиш, кек, гина, адоват, низо, хусумат, фис қу-фасот, маиший бузуқлик, майпарастлик, кайфу сафога берилиш, мутакаббирлик, хиёнат, давлат кетидан қувиш, манфатпарастлик, худбинлик, бошқаларнинг ҳақ-ҳуқуқини топташ, таъмагирлик, ҳақорат кабилар шундай иллатлар эдики, бунинг натижасида давлатнинг ривожига путур етказиб, жамиятни маънавий қашшоқликка олиб боради, деб бундай ёмон иллатлардан тийилишни маслаҳат беради¹⁴.

Юсуф Хос Ҳожиб оилавий маиший турмуш муаммоларига ҳам ката эътибор беради. У кишиларни уйланиб, оила қуришдан бошлаб, фарзанд тарбия этиш, оиланинг моддий таъминотини юритишгача бўлган энг зарур вазифаларни бирма-бир баён этади. Шунингдек, йигитлик ва кексалик фасллари ҳақида ҳам фикр юритиб, йигитликни эҳтиёт қилиш, йигитлик даврида қариликни ғамини ейиш каби энг зарур нарсалар ҳақида ҳам тавсиялар беради.¹⁵

Юсуф Хос Ҳожиб инсоннинг ҳақиқий камолга етишида ақлий ва ахлоқий томондангина эмас, жисмоний томондан ҳам соғлом бўлиши кераклигига катта эътибор беради. Шунингдек, олим инсоннинг турли маросимлар, йиғинлар, учрашувлар, зиёфатларда ўзини тутиш, хулқ-одоб қоидаларига риоя этиши ҳақида ҳам фикр юритиб, инсоннинг мезбонлик ва меҳмоннавозлик қоидалари, шартлари, тартиб интизомлари ҳақида ҳам

¹⁴ О.Ҳасанбоева ва бошқалар. Педагогика тарихи. – Т.: “Ўқитувчи”, 1997, 72-бет.

¹⁵ Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. – Т.: “Ўқитувчи”, 1999.

муҳим ўғитлар беради. Масалан, “Қутадғу билиг”даги элчилар (дипломатлар) ҳузурида, шоҳлар саройида, тўй ва азаларда қилинадиган меҳмондорчиликларда киши ўзини қандай тутиши, ҳатти-ҳаракати, одоби масалалари ҳозирги даврда ҳам ўта долзарбдир. Юсуф Хос Ҳожибнинг ўзи кишиларга муносабатда ўртамиёна йўл тутишни тавсия этади. Шунда дўст душманга айланмайди, эзгу ишлар амалга оша боради, деб таълим беради.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, асар инсонни бахт-саодатга йўлловчи барча эзгуликларнинг йўллари, усуллари, услубларини баён этиши билан таълим-тарбия тарихида биринчи ва йирик дарслик сифатида ўз ўрнига эга.

2.3 Юсуф Хос Хожиб ижодида ахлоқий маданият масалаларининг ёритилиши.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, мамлакатимизда катта ўзгаришлар юз берди. Жумладан, миллий қадриятларимиз қайта тиклана бошлади. Оллоҳа ҳамду санолар бўлсинким, 80 йилдан кўпроқ давр ичида унитилган қадриятларимиз сата-секин тикланиши, бу ҳам мустақиллик меваси ҳамда унинг шарофати, туфайли десак хато қилмасак керак. Ўзбек халқининг қадриятлари умуминсоний қадриятлар орасида алоҳида ўрин тўтади ва муҳим тарбиявий аҳамият касб этади. Ҳаёт сарвари инсондир. Доно халқимиз қадриятлари орасида янги авлоднинг она қорнида пайдо бўлиши, дунёга келиши ва камолотга эришуви билан боғлиқлиги бағоят ибратлидир. Бу ҳақда қанчадан-қанча афсоналар, ривоятлар, ҳикматлар яратилган. Улар орасида халқимиз умум таълим тарбияси, донишмандлиги, ахлоқ-одоби жамўлжам бўлган педагогик қарашлари маънавий, ахлоқий ҳамда руҳий тарбияси ва мулкӣ тарбия анъаналари ётади.

Шарқ халқлари ижтимоӣ ҳаётини ривожланиш ҳам асосан халқимизнинг азалий қадриятларида мужассам бўлган бўлиб, унда фарзанд тарбияси муҳим аҳамият касб этиб келмоқда.

Республикаимиз миқёсида баркамол авлод тарбиясига жудда катта эътибор қаратилмоқда айнан ана шу эътибор туфайли мамлакат фаровонлигини биз ёшларга ишониш орқали бизга янада маъсулят ҳисси юкланади. Бундай ишончни оқлаш учун ёшлар янада кўпроқ меҳнат қилмоғимиз ва ўз ижодий ишларимизни илм-фанга бағишламоғимиз керак бўлади.

Ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама тарбиялаш учун юртимиз раҳнамоси И.А.Каримовнинг ҳатти-ҳаракати билан мамлакатимиздаги барча турдаги таълим масканларида янги ўқув жиҳозлари, замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланиши бежиз эмас албатта. Ушбу шарт-шароитлардан унимли фойдаланиш орқали мутафаккирлар ижодини илмий,

амалий-назарий жиҳатларини ёш авлод онгига сингдириш муҳим масалалардан биридир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг барча асарларида ёш авлодни миллий қадриятлар асосида тарбиялаш, ўқувчиларни назарий билимларини бобокалонларимизнинг илмий-маърифий ижодиётига оид ғоялари, уларнинг панд-насихатлари ва ўғитлари асосида ёшларни мулкий онгини ошириш ҳамда ўқувчиларни маънавий маданиятини шакиллантириш билан боғлиқ фикр-мулохазаларини таркиб топтириш каби ғоялари келтирилган.

Ушбу ғоялар асосида ёшларни маънавий дунёқарашларини назарий жиҳатдан шакиллантириш бугунги куннинг устивор вазифаларидандир. Бизга маълумки ўтмиш тажрибаларисиз ватанни равақ топтириш ва юксалтириш жуда мушкул ишдир.

Юсуф Хос Хожиб ўз даврининг етук мутафаккири, чуқур билимли, донишманд инсон эди. Буни асарнинг мундарижаси ва мазмунидан ҳам билсак бўлади. У ўз асарида тиббиёт, фалакиёт, тарих, табиёт, география, риёзиёт, хандаса, фалсафа, адабиёт, таълим-тарбия, дипломатия, фикҳ соҳасига оид фикрларни баён этиб, файласуф ва қомусий олим сифатида ўзини намоён этди. Чунончи, у барча ижтимоий табакалар ўртасидаги муомала-муносабатларни ёритиш билан бирга, дипломатияга оид қоидалар тизимини яратди, турли касб эгаларининг касбу қорига оид талаблар ва жамиятнинг ахлокий тамойилларини тараннум этиш билан таълим-тарбия соҳасида ўзига хос услубни яратди.

Қутадғу билиг-бахт-саодатга элтувчи билим, таълим деган маънони билдиради. Демак асар номидан ҳам унинг панд-насихат, таълим-тарбияга оид етук дидактик асар, ҳар томонлама етук инсонни тарбиялайдиган дарслик эканлиги яққол кўриниб турибди. «Қутадғу билиг» асари Шарқда панднома туркумидаги анъанавий китоб тузиш тартибига риоя қилинган ҳолда тузилган.

Аввал насрий мукддима, сўнг 73 бобдан иборат китобнинг мундарижаси берилади. Дастлабки ўн бир фасли дебоча бўлиб, ҳамда, наът ва Қорахонни мадх этиш, таълим мақсади, тилнинг ахамияти, муаллифнинг узри, эзгулик ҳақида, билим олишнинг ахамияти, китобга ном берилиши, кексаликдан афсусланиш каби фасллардан иборатдир. ўн иккинчи фаслдан бошлаб асосий воқеа баёни эътироф этилади. Лекин асарда тўрт қаҳрамон — Кунтуғди - адолат рамзи, вазир — Ойтўлди – давлатва бахт рамзи, вазирнинг ўғли ўғдулмиш – ақлрамзи, сифатида, ўзгурмиш - вазирнинг қариндоши - қаноат тимсоли ўртасидаги мунозара асосида ҳаётий масалалар бир-бирига боғланган ҳолда баён этилиб, китобни ёзишдан ўз олдига қўйган мақсадга эришади.

Юқорида таъкидланган тўрт қаҳрамоннинг суҳбатлари, Мунозаралари асосида Юсуф Хос Хожиб ўз мақсад ва ғояларини баён этади.

Масалан, Ойтўлдининг Элиг билан учрашувида унинг Элиг синовидан ўтиши жараёнидаги савол-жавоблар натижасида давлатнинг сифати ва фазилатлари, унинг бевафолиги ва бебақолиги, адолатнинг хислатлари, шунингдек эл-юрт бошқарувчиларининг хислатлари баён этилади.

Ойтўлдининг ўғли ўғдулмиш билан Элигнинг суҳбатида эса сарой амалдорлари: беклар, вазирлар, лашкарбошилар, хожиблар, элчилар, саркотиб, хазинадор, дастурхончилар, шаробдорлар, бегларнинг ўз хизматкорларига муносабати қандай бўлиши кераклиги баён этилади.

Ўғдирмиш билан Ўзгурмиш мунозаралари, Элиг билан ўзгурмиш мунозарасида эса инсоний хислатлар, хизмат ва турмуш одоблари борасида фикрлар баён этилади, турли касб эгалари васфи берилади.

«Қутадғу билиг»даги бош ғоя - инсонни ҳаётда бахт-саодатга элтувчи асосий қарашлари тўрт рамзий қаҳрамон: Кунтуғди - Элиг подшо - адолат тимсоли, Ойтўлди - вазир давлат тимсоли, ўғдулмиш - вазир-ақл тимсоли, ўзгурмиш-вазирнинг қариндоши-қаноат тимсолининг ҳаёти ва давлатни бошқариш жараёнидаги ҳатти-ҳаракатлари ва фикрлари орқали берилганки,

булар инсон камолотининг муҳим мезони саналади. Юсуф Хос Хожибнинг «Қутадғу билиг» асарида инсон камолоти масаласи марказий масала бўлиб ҳисобланади. Мазкур асарда инсоннинг жамият ва ҳаётда тутган ўрни, бурчи ва вазифалари ҳақидаги муаммолар ўзига хос тарзда баён этилади.

Мутафаккир ўзининг ахлоқий қарашларини, яъни ижтимоий муносабатлар, жамият аъзолари барча типлари ўртасидаги ахлоқий муносабатларни амалиётга таянган ҳолда ёритади. Бу ахлоқий хулқ-одоб тамойиллари, талаб ва вазифалари бутун асар давомида қаҳрамонларнинг ўзаро мунозаралари асосида ифодаланган. ўнда Элиг /хон/, унинг вакиллари, ижтимоий гуруҳларнинг ўзаро муносабати, ахлоқи, муомаласи талаблари баён этилади. Турли касб эгаларига хос хислатлар, одатлар ёритилади.

Асарда илгари сурилган ахлоқий хислатларни санаб ўтиш олимнинг кай даражада таълим-тарбия, ахлоқ масалаларини чуқур билганлигидан далолат беради: инсонийлик, ростгўйлик, тўғрилиқ, софлиқ, меҳр-мухаббат, вафо, шафқат, мурувват, инсоф, адолат, ишонч, садоқат, хушмуомалалиқ, ширинсўзлик, саховат, мардлик, ҳимматлиқ, ҳурмат ва эҳтиром, тadbиркорлик, ақл, заковат, ҳалоллик, эзгулик каби хислатлар улуғланади, уларда ёлғончилик, ноинсофлик, фисқу фасод, бевафолик, меҳрсизлик, дағаллик, қўполлик, бахиллик, номардлик, қувлик, ҳурматсизлик, нодонлик, жохиллик, ҳаромхўрлик, очкўзлик каби хислатларни қиёслаб, эзгу хислатларнинг яхши оқибатлари ва салбий хусусиятларнинг ёмон оқибатларини мисоллар воситасида ишонарли қилиб баён этади. Бунда дастлаб, барча яхши ишларнинг манбаини эзгулик, ёмон ишларнинг асосини эссизлик номлари билан талқин этади. У инсон ҳаётда қилган иши билан ё яхши ном қолдиради, ёки ёмон ном олади, дейди. Асарда олим барча эзгуликнинг боши тил одоби, унинг фойда ва зарарларига бағишланади.

Тил инсоннинг кадр-қимматини оширади, ёки шу тил орқали инсон юз тубан ҳам кетиши мумкин, дейди. Киши икки нарса билан ҳаётда мангу қолади: бири хушхулқлик бўлса, иккинчиси яхши сўз, дейди олим.

Инсоний муносабатларнинг энг олий мезони саналган хурмат ва эхтиромини таркиб топтиришнинг барча кўринишлари асарда ўз ифодасини топган. Юсуф Хос Хожиб жамият тақдирини хал этувчи энг улуғ мансабдорлардан тортиб, оила аъзоларигача бир-бирига бўлган муомала-муносабат масалаларини ҳам ҳаётий мисоллар воситасида ёритади. Катта ёшлиларнинг кичикларга, кичикларнинг улуғларга, амалдор ва мансабдорларнинг ўз хизматчиларига, хизматчиларнинг ўз хўжаларига, турли ижтимоий гуруҳ аъзоларининг бир-бирларига, оилада оила аъзоларининг бир-бирларига муомала маданиятининг энг оддий кўринишларигача тасвирлаб, кишининг кўз олдида яққол намоён этади.

Олим улуғлар ва кичиклар ўртасидаги хулқ-одоб қоидалари ҳақида гапирар экан, шу аснода камтарлик, саломлашиш одоби, талаблари, қоидаларини ҳам тавсия этади.

Айниқса, Юсуф Хос Хожибнинг амалдорлар ахлоқи ҳақидаги ўғитлари диққатга сазовор ва бу фикрлар ҳозирги даврда ҳам қимматли саналади. Олимнинг беклар, хожиблар, вазирлар, сарой бошилар, элчилар, лашкарбошилар, девонбошилар, хазинадорлар, саркотиблар каби кўплаб амалдорларнинг ҳатти-ҳаракатлари, иш юритишлари, хулқ-одоби ҳақидаги амалий ўғитлари ва йўл-йўриқлари ҳар бир амалдор учун дастур саналади. Масалан, ҳар бир амалдорнинг ўз ишининг устаси, илм-фанни эгаллаган, унинг турли соҳалари борасида фикр юрита оладиган, сўзга чечан, зеҳнли, фаҳм-фаросатли, ҳимматли, кўзи тўқ, очик қўл, сахий, тадбирли, зукко, хушёр, жиддий, қаноатли, жасур, соғлом, самимий, садоқатли, ўз сўзи устидан чиқадиган, андишали, шеър баҳсида иштирок этиб, ўзи ҳам шеърлар тўқий оладиган, турли тилларни била оладиган ва ёза оладиган, нард, шатранж, чавгон ўйинларида ўйнай оладиган, мерганлик каби хислатларга эга бўлиши кераклигини таъкидлайди. Шунингдек, ҳар бир инсоннинг камолга етишида тўсқинлик қиладиган ёмон иллатлар, нуқсон ва камчиликлардан биринчи навбатда эл-юрт хизматида бўлган амалдорлар ҳам

ҳоли бўлиши лозимлиги: маишат, ишратпарастликка берилиш, кек, гина, адоват, низо, хусумат, фисқу фасод, маиший бўзоқлик, майпарастилик, кайфу сафога берилиш, мутакаббирлик, хиёнат, давлат кетидан қувиш, манфаатпарастлик, худбинлик, бошқаларнинг ҳақ-ҳуқуқларини топташ, таъмагирлик, ҳақорат кабилар шундай иллатлардирки, бунинг натижаси давлатнинг ривожига путур етказиб, жамиятни маънавий қашшоқликка олиб боради, деб бундай ёмон иллатлардан тийилишни маслаҳат беради.

Юсуф Хос Ҳожиб такаббурлик, мағрурланиш, кеккайишга камтарлик, хушсуханлик, хушфеълликни қарши қўяди. Шунингдек, амалдорларга баланд ҳимматлилик, мурувватли бўлиш, самимийлик хоҳ катта, хоҳ кичик бўлсин, хос фазилат эканлигини алоҳида таъкидлайди. Инсоннинг ҳақиқий бойлиги унинг кўз ва кўнгил тўқлиги деб беради. Зеро, очкўзлик, таъмагирлик инсонда порахўрлик каби ёмон иллатнинг томир отишига олиб келади, дейди.

Шарқ мутафаккиридан бири бобокалонимиз Юсуф Хос Ҳожибнинг комил инсон шахсини шакиллантириш ва фарзанд тарбияси тўғрисида турли хилдаги ижобий ғоялари мавжуд бўлиб, ушбу илмий-маърифий фикрлар заминидан катта ҳаётий ҳикмат ётади.

Юсуф Хос Ҳожибнинг ўша даврларда ёш оила фарзанд кутаётган лаҳзаларданок тарбия илмини ўрганиши зарур, деган муҳим ғоялари фикримизнинг ёрқин далилидир.

Бугунги кунда таълим-тарбия соҳасида ҳам мутафаккирларнинг миллий меъросига мирожат қилмасдан туриб уни ривожлантириб ёки раванқ топтириб бўлмайди.

Таълим-тарбияни ривожланишида айниқса ёшларда маънавий ғояларни таркиб топтириш масалаларида Юсуф Хос Ҳожибнинг илмий фаолиятидаги меҳнатлари беқиёс хазинадир. У ҳар бир кишининг юксак комолот чўққисига – етишишни орзу қилади.

Юсуф Хос Ҳожиб —Қутадғу билиг асарида XI асрдаги ижтимоий ва оилавий тарбия, мактаблардаги фан тармоқлари, ўқитиш тизимининг ўзига хос хусусиятларини ақлий, ахлоқий, меҳнат ва жисмоний, нафосат тарбиясига доир фикрлари баён этилган. Ул зотнинг фикрича, билим бир бошбоғ ёки жилов кабидир. У кишини ҳар хил нолойиқ ишлардан асрайди. Шу хусусияти туфайли билим азиз ва мўътабардир.

Адиб таълим тизими, таълим назарияси ва амалиётига, таълим мазмунига оид бир қатор жиддий фикрларни айтади. У айрим фанларни ўқитишдаги изчилликни ҳам кўрсатиб ўтган. У Ҳанса (Геометрия), таъзиф (карра), тансиф (бўлиш), адаз жазри (илдиз топиш), жамъу тафрик (қўшиш ва айриш), жабру муқобил (альгебра), Уқлидус (Эвклид) математик назарияси ҳақидаги маълумот беради.

Юсуф Хос Ҳожиб тилни авайлаб асраш зарурлигини таъкидлайди. Кўп сўзлик фойдасиз машғулотдир. Шунинг учун ҳам туман сўз тугунини бир сўзда ёзиш лозим. Зеро, киши сўз туфайли қадр топиши ёки аксинча боши эгик бўлиши мумкин.

Юсуф Хос Ҳожибнинг ўқитиришича, ҳар бир киши жамиятга муносиб бўлиб комол топмоғи керак. Бунинг учун у, туғилган кунидан бошлаб зарур тарбияни олмоғи лозим. Улуғ шоир ота-оналар назоратида бўлган боланинг маъсулияти ҳисси ривож топади, шу сабабли ҳам бола тарбиясида ота-онанинг мавқеи алоҳида аҳамиятга эгадир, улар танлаган тўғри йўл фарзандларининг келажаги, комолоти учун ниҳоятда муҳимдир.

Юсуф Хос Ҳожиб ота-оналарни бола тарбиясига эътибор беришга даъват этар экан, жамият фарзандлар хулқ - атворига қараб ота-оналарига баҳо беришни айтиб, уларни огоҳлантиради. Юсуф Хос Ҳожиб ақлий тарбиянинг баланд мавқе тутишини эслатади. Адиб тарбиянинг барча турлари бир-бири билан уйғун бўлишини талаб этадию шундагина инсоннинг ақлан баркамол, жисмонан етук, ахлоқий-маънавий бой бўлишига

ишонади. Фарзандларга турли билим ва ҳунарларни ўргатиш, уларни гўзал ахлоқли қилиб, вояга етказиш ота-онанинг бурчидир.

Юсуф Хос Ҳожиб тарбияда катталар намунаси аждодлар тажрибаси алоҳида аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайди. Юсуф Хос Ҳожибнинг Шарқ ижтимоий-сиёсий, ахлоқий –таълимий, ҳамда бадий тафаккури тараққиётига қўшган хиссаси беқиёсир. Алломанинг педагогик қарашлари ҳам бу соҳадаги улкан меъросдир. Улар тарих нуқтаи назари билангина эмас, бугунги кунимизга хизмат қилиши билан ҳам зўр аҳамият касб этади.

Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарида инсоннинг жамият ва ҳаётда тутган ўрни, бурчи ва вазифалари ҳақидаги муаммолар ўзига хос бир тарзда баён этилади.

Мутафаккир китобнинг анъанавий бошланмасидан кейинроқ инсоннинг ҳақиқий бахти билимда эканлиги баён этади. Яна илм заковатнинг аҳамияти ҳақида қатор бобларда ҳам фикр юритиш билан бирга унга алоҳида боблар ҳам бағишланади. Лекин олим фақат илм-маърифатнинг аҳамиятини кўрсатибгина қолмайди, у билим ва заковатнинг амалдаги ўрнини ҳам ёритади.

У билимни буюк, ўқувни улуғ деб таърифлайди. Чунки заковатли инсон улуғ бўлади, билимли киши буюк бўлади, деб илмли кишиларни асл тоифадаги кишиларга қўшади. Олим эзгу ишларнинг барчаси илм туфайли амалга ошрилиши мумкинлигини айтади. Ўша даврда олим —Билим ҳатто осмон сари йўл очур деб башорат қилади.

У дунёда одам пайдо бўлибдики, фақат билимли кишиларгина эзгу иш қилиб, адолатли сиёсат юргизиб келган, деб, инсон яратилгандаёқ унга билим, ўқув-заковат берилганлиги, ана шу билим ва заковати туфайли кишилар разолатдан покланганлигини ўқтиради. Ҳатто хукмдорлар ҳам юртни, давлатни ақл, илм, заковат билан идора этса, эл-юрт фаровон бўлади, тўқ ва тинч ҳаёт кечиради, дейди. У куч ва қуролни ақл ва билимдан кейинги иккинчи ўринга қўяди. Юсуф Хос Ҳожиб илмли, маърифатли кишиларни

кадрлаш керак чунки улар машъал каби йўлни ёритиб, тўғри йўл кўрсатади. Яхши-ёмонни фарқ этишни ўргатади, дейди.

Лекин Юсуф Хос Ҳожиб илм-фанни эгаллашни тарғиб этибгина қолмайди, уни ҳаётга татбиқ этиш, амалда қўллай билишга ҳам даъват этади.

Инсон билимсиз, нодон жоҳил бўлса, ярамас ишлар қилиши. Аксинча билимли. Доно, зукко бўлса эзгу ишларни рўёбга чиқаришни таърифлаш билан кишиларни тинмай илм олишга ундайди.

Юсуф Хос Ҳожиб инсонга билим нечоғлик зарур бўлса, касб-ҳунар эгаллаш ҳам шунчалик муҳимлигини асарда алоҳида таъкидлайди. Шунга кўра у асарда турли тоифали кишилар борасида фикр юритар экан, ҳунармандлар ҳақида ҳам илиқ фикрлар баён этади.

Юсуф Хос Ҳожибнинг ўша даврда касиб-ҳунармандларнинг нақадар хайрихоҳлигини таъкидлаш ўз-ўзидан эмасди. Чунончи давлатнинг тинч-осойишталиги, чет давлатлардаги мавқеи, давлатнинг бойлиги ва халқнинг фаровонлиги ана шу тоифадаги кишиларга боғлиқ эди. Зеро касб-ҳунар жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, моддий ва маданий тараққиётининг ўлчов бирлиги саналарди.

Юсуф Хос Ҳожиб жамиятда тараққиёти ва халқ фаровонлигида муҳим ўринга эга бўлган деҳқонлар чорвадорлар савдогарлар, табиблар, олимлар ҳақида ҳам муҳим фикрлар баён этади ва ҳар бирининг жамиятга ўрнини кўрсатиб беради. Чунончи, деҳқонлар ва чорвадорлар ҳам ижтимоий, иқтисодий ҳаётда тутган ўрнини юқори баҳолади ва улар энг ҳалол, шарафли, муқаддас эканлигини таърифлайди. Кўриниб турибдики. Олим жамиятнинг ривожланишига ҳисса қўшган ҳар бир касб-ҳунар эгасини улуғлайди ва уларни қадирлаш зарурлигини таъкидлайди. Юсуф Хос Ҳожиб инсонни камолга етказишнинг яна бир ва энг муҳим томони уни ахлоқий камол топтриш деб қарайди.

Бу ахлоқий хулқ-одоб тамойиллари, талаб ва вазифалар бутун асар давомида қаҳрамонларнинг ўзаро мунозаралари асосида ифодаланади. Унда

Элиг(хон), унинг хизматидаги барча табақа ва тоифа вакиллари, ижтимоий гуруҳларнинг ўзаро муносабати, ахлоқий, муомаласи талаблари баён этилади. Турли касб эгаларига хос хислатлар, одатлар ёритилади. Олим улуғ ва кичиклар ўртасидаги хулқ-одоб қоидалари ҳақида гапирар экан, шу аснода камтарлик, саломлашиш одоби, талаблари, қоидаларини ҳам тавсия этади. Юсуф Хос Ҳожиб оилавий маиший турмуш муаммоларига ҳам катта эътибор беради. У кишиларни ўйланиб, оила қуришдан бошлаб, фарзанд тарбия этиш, оиланинг моддий таъминотини юритишгача бўлган энг зарур вазифаларни бирма-бир баён этади. Шунингдек, йигитлик ва кексалик фасллари ҳақида ҳам фикр юритиб, йигитликни эҳтиёт қилиш, йигитлик даврида қарликни гамини ейиш каби энг зарур нарсалар ҳақида ҳам тавсиялар беради.

Юсуф Хос Ҳожиб инсоннинг ҳақиқий камолга етишида ақлий ва ахлоқий томондангина эмас, жисмоний томондан ҳам соғлом бўлиши кераклигини катта эътибор беради.

Қутадғу билиг да яна жумбоқларни ечиш услубидан ҳам фойдаланилган. Бу услуб ўқувчини асарга қизиқтиради, уни ўқимишли қилади. Ҳозирги даврда муаммоли таълим деб юритилади. Юқоридагилардан кўриниб турибдики, асар инсонни бахт-саодатга йўлловчи барча эзгуликларнинг йўллари. Усуллари, услубларини баён этиши билан таълим тарбия тарихида биринчи ва йирик дарслик сифатида ўз ўрнига эга.

Юсуф Хос Ҳожибнинг иқтисодий тарбияда киши мулкӣ билимларни ўзлаштирибгина қолмай, ҳар қандай вазиятларда ўзини ана шу нормаларга муносиб тута оладиган кишилар ахлоқий тарбияланган ҳисобланади. Ахлоқий тарбияланган кишида барқарор маънавий мотивлар шаклланган бўлади. Бу мотивлар эса ўша кишини жамиятда муносиб хулқ-атворга рағбатлантиради. Ёш авлодни жамиятга, меҳнатга, ўзига муносабатни очиб берувчи маънавий фазилатларга мувофиқ равишда тарбиялаш - тарбияланувчи шахсни, ахлоқий тарбиянинг педагогик ва психологик асосларини чуқур билишни талаб қиладиган мураккаб жараёндир. Юсуф Хос

Ҳожибнинг Ахлоқий билимларни онгли равишда ўзлаштириб олишгина ўқувчиларга атрофдаги кишилар хатти-ҳаракатидаги қайси жиҳатлар яхши-ю, қайсилари ёмон эканлигини англаб олишга ёрдам беради. Юсуф Хос Ҳожибнинг биз таҳлил этган мазкур асари инсонни ҳар томонлама камолга етказишнинг барча масалалари ўзининг бадий ифодасини топган йирик таълимий-ахлоқий дostonдир. Олим инсонни камолга етиши учун куйидагиларни назарда тутди: Ақлий камолот-билим ва заковат, жисмоний камолат. Юсуф Хос Ҳожиб инсоннинг камолга етишининг йўл-йўриқлари, усуллари, чора-тадбирларини юксак бадий маҳорат билан ёритиб беради. Бу усул йўл-йўриқлар, фуқародан тортиб, юрт бошлиғи Элигача зарур бўлган, ҳозиргача ўз аҳамиятини йўқотмай келмоқда. Шунинг учун ҳам бу асар ўзининг илмий, маърифий, тарбиявий аҳамияти билан беқиёсдир.

Юсуф Хос Ҳожибнинг «Кутадғу билиг» асари ўзбек халқ педагогикаси тарихида таълимий — ахлоқий усулда ёзилган барча асарларнинг тамал тоши бўлиб хизмат қилиши соҳасида тўлиқ маълумотлар берилган.

Тилнинг фазилати, фойда-зарарлари ҳақида сўзлайди

Уқушга, билигга бу тилмочи – тил,

Саодатманд этар равон забон, бил.

Тили билан азиз, бахт топар киши,

Тили боис баъзан ёрилар боши.

Забонни ким тутқун арслон ҳам дегай,

Қафасдаги йиртқич бошинг ҳам егай.

Тилидан панд еган эр не дер, эшит,

Амал қил, наф кўриб, ҳар ишинг пишит:

Тилим вайрон этар неча бор дилим,

Бошим кесмасидан кесайин тилим.

Сўзинг ўйлаб сўзла, бошинг кетмасин,

Тилинг эҳтиёт қил, тишинг синмасин.

Будун тили ёмон, сени сўзлагай,
Кишилар ҳасадгўй, ич-этинг егай.
Билим берди тилга Раҳмони одил.
Бошинг асрагайсан, эй соҳиби тил.
Омонлик тиласанг сенинг бу ўзинг,
Тилингдан чиқарма яроғсиз сўзинг.
Билиб сўзламоқ сўз, ҳар доно иши,
Нодон сўзи билан кетар ўз боши.
Зиёда сўзда ҳеч фойда кўрмадим,
Зиёда сўзлашдан ҳам наф топмадим.
Етарли сўзла сўз, кўп сўзлашдан қоч,
Туман сўз маънисин бир сўз билан оч.
Киши сўз туфайли азиз, мукаррам,
Беҳуда сўз қилар бошин ерга ҳам.
Зиёда сўзласанг, эзма дер дарров,
Яна сўзламасанг, дерлар гунг-соқов.
Аъло бил эл билан алоқа тарзин,
Муомала билан пиёда фарзин.
Тилинг эҳтиёт фил, саломат бошинг,
Сўзинг қисқа қилгин, зиёда ёшинг.
Зиёда тил нафи, бўлсанг бас огоҳ,
Гоҳо тил мақталар ҳам янилар гоҳ.
Неча мундоғ эрса, билиб сўзла сўз,
Сўзинг бўлсин кўзи басир учун кўз.
Билимсиз бамисли сўқир бегумон,
Билимдан улушинг олгин, эй нодон.
Туғилган ўлар, кўр, ном-нишон қолмас,
Сўзи эзгу фақат то абад ўлмас.

Қаримас эр икки шарт билан ўзи,
Бири — эзгу хулқи, бир — эзгу сўзи.
Сўзи қолар, йитар гар инсон зоти,
Ўзи ўлар, вале барҳаёт оти.
Тириклик тиласанг мангу безавол,
Феълу сўзинг бўлгай эзгу ҳам ҳалол.
Гоҳи алқаб тилни, қилдим маломат,
Сабоқ бўлсин дедим сенга аломат.
Қамуғ сўзни йиғса, дилга жо бўлмас,
Керак сўзни сўзлар, киши гизламас.
Сўзим сўзладим ўғлимга, баҳодир,
Нафинг кўзлаб айтай насиҳат нодир.
Се(н)га сўзладим мен сўзим, эй ўғил,
Се(н)га берди бу панд ўзим, эй ўғил!
Кумуш-олтин қолса гар мендан сенга,
Уларни бу сўзга ҳеч билма тенг-а.
Кумуш ишга солсанг, тугар, сол назар,
Сўзим ишга тутсанг, зиёд кумуш-зар.
Кишидан кишига мерос панд, сўз, бил,
Оталар каломин нафин юз-юз, бил.
Бу айём ранжима ҳеч мени яниб,
Агар ўз узримни айтсам ийманиб.¹⁶

Мамлакатни ҳар томонлама равнақ топишида Юсуф Хос Ҳожибнинг ўрни беқиёсдир. Биз ишонамизки, келажак авлод ҳам бу каби мутафаккирларнинг ижодидан баҳраманд бўладилар албатта.

¹⁶ Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. – Т.: “Ўқитувчи”, 1999.

ХУЛОСА

Юсуф Хос Ҳожиб яшаган тарихий давр ижтимоий тараққиётининг шундай бир босқичи эдики, бу даврда Ўрта Осиё халқларининг озодлик ҳаракати натижасида бу ерда араб халифалиги ҳукмронлиги тугатилиб, феодал давлатлар вужудга кела бошлади. Ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши мустақил давлатларнинг ҳар томонлама ривожланишига олиб келди. Деҳқончилик ва ҳунармандчилик ривожланиши олдин ички бозорни, сўнг ташқи бозорни риожланиши имконини берди. Бу нарсачет мамлакатлар билан иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқаларнинг кучайишига сабаб бўлди. Мазкур жараён маънавиятнинг юксалишига таъсир қилар эди. Ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар буюк мутафаккирларга муҳтож бўлади, бу эҳтиёж ўз даврининг буюк алломаларини келтириб чиқаради ҳам. Юсуф Хос Ҳожиб давр фарзанди сифатида феодал тузумнинг мустаҳкамланиб бориши, йирик ва кучли давлатларнинг вужудга келишининг гувоҳи бўлди.

Мутафаккир даврнинг фалсафий тарғиботчиси сифатида майдонга чиқади. Шоирнинг ижтимоий-сиёсий, ахлоқий қарашлари феодал давлатининг дастурул амали низомномаси бўлиб хизмат қилди.

Юсуф Хос Ҳожибнинг фалсафий қарашларида рационализм ғоялари мавжуд у инсонни унинг ақл-идрокини улуғлайди. Давлат билимдонлик билан бошқарилса, мамлакат бой, халқи фаровон яшайди деган ғояни ўртага ташлайди.

Хулоса қилиб айтганда, Юсуф Хос Ҳожибнинг биз таҳлил этган мазкур ижодида инсонни ҳар томонлама камолга етказишнинг барча масалалари ўзининг бадий ифодасини топган йирик таълимий-ахлоқий бойликдир. Аллома инсоннинг камолга етиши учун қуйидагиларни назарда тутди:

- ☐ Ақлий камолот-билим ва заковат, ўқувга эга бўлиш;
- ☐ Ахлоқий камолот;
- ☐ Жисмоний камолот.

Юсуф Хос Ҳожиб инсон камолга етишининг йўл-йўриқлари, усуллари, чора-тадбирларини юксак бадиий маҳорат билан ёритиб беради. Бу усул, йўл-йўриқлар, фуқародан тортиб, юрт бошлиғи Элиггача зарур бўлган, ҳозиргача ўз аҳамиятини йўқотмай келмоқда. Шунинг учун ҳам бу асар ўзининг илмий, маърифий, тарбиявий аҳамияти билан беқиёсдир.

Аждодларимиз меросида баён қилинишича, маънавият кўнгил кўзгусидан таралган нур, у инсон қалбида яширинган.

“Албатта, ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, табиийки, маънавий мерос, маданий бойликлар, кўҳна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади”.¹⁷ Шундай экан, ҳозирги кунда асосан миллий маънавиятимиз тарихий таржибасига таянган ҳолда ишлаб чиқиляётгани бежиз эмас. Шу билан бирга миллий маънавиятимиз ҳеч қачон умуминсоний қадриятларга зид бўлмаганини ва унинг назарий асослари ҳам умумбашариёт манфаатларини унутмаган ҳолда шакллантирилиши лозимлигини унутмаслигимиз лозим.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А. Каримов томонидан азиз-авлиёлар, буюк ва табарук зотларнинг руҳига ҳурмат-иззат кўрсатилиб, уларни шаҳид кетган жойларини қадамжоларга айлантирилиши бежиз эмас албатта. Чунки, Абдулла Авлоний, Абу Наср Фаробий, Абу Райхон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Ахмад Фарғоний, Мирзо Улуғбек, Юсуф Хос Ҳожиб каби минглаб мутафаккирлар бу куҳна юртда муқаддас асарлари билан ном қолдириб ижод қилганликлари барчамизга аёндир албатта.

Ушбу битирув ишда — ўзлаштирилган назарий билим, кўникма ва малакаларни амалиётда қўллашни ўз олдимга мақсад қилиб қўйдим.

¹⁷Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., “Маънавият”, 2008. С.29-30.

Битирув ишда ўзбек миллатига хос қўлланилиб келинаётган замонавий усуллардан фойдаланиб маънавий тарбия жараёнини ташкил этиш, миллий тарбияни амалга оширишда ўз маънавий қадриятларимизни роли кўрсатиб ўтилган.

Ўзбек халқ ижодиётининг йирик намоёнчасидан бири ҳисобланган Юсуф Хос Хожибнинг маънавий-маърифий қарашлари, таълим соҳасидаги қўшган ҳиссалари ҳақида мулоҳазалар келтирилган.

Юсуф Хос Хожибнинг ижтимоий-маънавий қарашлари, ахлоқ-одоб ҳақидаги фикрлари, ижодий ғоялари, ижтимоий соҳасидаги фикрлари бугунги ижтимоий ҳаётнинг ўзига хос моҳиятини белгилаб беради.

Жумладан, “Фуқаролик жамияти онгли фаол фуқаролар томонидан барпо этилади. Фаол фуқаролик позициясига эга инсон жамиятда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни кузатади, уларнинг сабаб-оқибатлари ҳақида мушоҳада юритади, мавжуд муаммоларнинг ечимини излайди. Бундай инсон фуқаролик масъулияти туйғусининг кучлилиги билан ажралиб туради”¹⁸.

Айнан юқоридаги фикрлани аллома давлат бошқарувида раҳбарлар ва оддий фуқароларнинг тенг иштироки жамият тараққиёти учун хизмат қилиши ҳақида фикрлар бериб ўтган эди.

Шарқ мутафаккирлари ижодида маънавиятни ёш авлодларга ўқитиб бориш ва шу орқали уларни ижодий тафаккурини ривожлантириш, умуминсоний қадриятларни уларнинг онгига сингдириш, маърифатпарвар шахслар сифатида ёш авлодни руҳини шакиллантириш, мутафаккирлар ижодидаги мардлик, шижоат, миллий ғурур, халқ севарлик каби тушинчаларни таркиб топтириш бугунги кун учун долзарб масалалардан биридир. Бу эса ўқувчи-ёшларнинг маънавий онги ва саводхонлигини оширибгина қолмай, уларни ҳар томонлама камолотга етказиш учун хизмат қилишлигини аңлатиш ҳар бир ота-она ва педагоглар зиммасига

¹⁸ 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси. “Халқ билан мулоқат ва инсон манфаатлари йили” да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича илмий-услубий рисола. –Т: 2017

юклатилади. Ана шундагина биз тарбияланган, чин ватанпарвар комил инсонни кўз олдимизда намоён бўлганини кўрамиз.

Алломаларнинг тарбия ҳақида жуда катта таълимотлар яратганлиги барчамизга маълум ҳисобланади. Бу илмий билимларини ўқувчиларга ўқитиришда кенг услубий жиҳатдан ёшларга билимлар берилиб келмоқда. Ушбу мавзуда ўзбек халкининг ўзига хос булган маънавий бойликлари, Шарқ мутафаккирларининг асарларида таълим-тарбияга оид қарашлари, уларнинг ижоди ва илмий фаолияти, алломаларнинг таълим – тарбия борасидаги беқиёс хизматлари, янги усул мактабларнинг ташкил топиши, ота-она ва фарзанд ўртасидаги тарбиявий муносабатлар, ҳақида қарашлари ёшларимиз ўқиб олишлари лозим бўлган масалалардандир.

Ушбу мавзуда оилада бола тарбияси, ҳозирги замон оилалари мавжуд жамият билан узвий боғликлиги, шаҳарларнинг ўсиши, яшаш шароитларининг яхшиланиши, халқнинг моддий, маънавий, маданий турмуш савиясининг ошиши ёшларнинг баркамол инсон қилиб тарбияланишига таъсир қилиши ҳақида фикр юритилган. Бундан ташқари мавзуда алломаларнинг миллий мероси бизгача асраб авайлаб келган асарлари, халқимизнинг азалий турмиш даражаси, келтирилиб буларнинг барчаси бугунги кун ёшларини комил инсонлар даражасига етгазишга қаратилган бўлиб, келгусида хизмат қилишиги ишонч билдириб қоламиз ва ушбулар эса битирув ишини асосий моҳиятларини очиб берилган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ

Раҳбарий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. - Т.: Ўзбекистон, 1996.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод ватан қолсин. Т. 2. - Т.: Ўзбекистон, 1996.
3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. - Т.: Ўзбекистон, 1996.
4. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. Т. 5. - Т.: Ўзбекистон 1997.
5. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. - Т.: Ўзбекистон, 1998.
6. Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. - Т.: Ўзбекистон, 1999.
7. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз Т. 8. - Т.: Ўзбекистон. 2000
8. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т. 9. -Т.: Ўзбекистон, 2001.
9. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10.-Т.: Ўзбекистон, 2002.
11. Каримов И.А. Биз танлаган йўл - демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т. 11 -Т.: Ўзбекистон, 2003.
12. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.-Т.:Ўзбекистон, 1997.
13. Каримов И. А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари // Халқ сўзи. 2002. 30 август.
14. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-иҷтимоий ва иқтисодий истиқболнинг асосий тамойиллари.-Т.:Ўзбекистон, 1995.

15. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. -Т.:Ўзбекистон. 1999.
16. Каримов И.А. Адолат қонун устуворлигида // Ўзбекистон овози. 2001. 6 декабр.
17. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ еттинчи сессиясидаги маърузаси // Халқ сўзи. 2001. 7 декабр.
18. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч - қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т. 12. -Т.: Ўзбекистон. 2004.
19. Каримов И.А.Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т. 13 -Т: Ўзбекистон. 2005.
20. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т.: Ўзбекистон. 2005.
21. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият.Т. 14. Т.: Ўзбекистон. 2006.
22. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т.15.- Т: Ўзбекистон. 2007.
23. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодийтимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т.16. - Т.: Ўзбекистон, 2008.
24. Каримов И.А. Ватанамизнинг босқичма – босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 16 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. // Ватанпарвар, 2008 й. 12 декабр.
25. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий

дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруза. // Халқ сўзи. 2009 й. 14 феврал.

26. Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. Т.: Ўзбекистон. 2009.

27. . Каримов И.А. Она юртимиз бахту икболи ва буюк келажаги йулида хизмат қилиш- энг олий саодатдир Т.: Ўзбекистон. 2015.

28. Каримов И.А «Юксак маънавият-енгилмас куч» -Т: 2008.

29.Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. -Т.: “Ўзбекистон”, 2017.

30. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси. “Халқ билан мулоқат ва инсон манфаатлари йили” да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича илмий-услубий рисола. –Т: 2017

Махсус адабиётлар

1. “Қуръони Карим маъноларининг таржимаси”. -Т: 2001.
2. М. Имомназаров “Миллий маънавиятимиз асослари” -Т: 2006.
3. Абдуллашар “Ахлоқшунослик” -Т: 2005.
4. Э. Юсупов “Инсон камолотининг маънавий асослари”. -Т: “Университет”,1998
5. Б. Зиёмуҳаммадов, С. Зиямуҳаммедова, С. Қодирова “Маънавият асослари”. -Т: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2000,
6. Э.Юсупов “Инсон камолотининг маънавий асослари”. -Т:1998
7. З. Ғофуров “Маънавий юксалиш ва ҳуқуқий баркамоллик” II қисм Тошкент-2007.
8. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. – Т.: “Ўқитувчи”, 1999

9. Адабий дурдоналар. Юсуф Хос Хожиб Қутадғу билиг.. –Т: Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2007.
10. О.Ҳасанбоева ва бошқалар. Педагогика тарихи. – Т.: “Ўқитувчи”, 1997.

Интернет сайтлари

1. [www. Ziyonet.uz](http://www.Ziyonet.uz)
2. [www. edu.uz](http://www.edu.uz) [www.](http://www.uz)
3. [www. mahalla.Uz](http://www.mahalla.Uz)
4. [www. LexUz](http://www.LexUz)
5. [www. Kitob.Uz](http://www.Kitob.Uz)